Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 14 декабрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 99 (7502)

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

12 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил қилди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида Молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича қўшимча маъруза учун Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовга сўз берилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида "Пахтабанк" акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет катта театри етакчи хонандаси М.Раззоқова, Андижондаги "Маҳаллий саноат" ишлаб чиқариш-савдо акционерлик компанияси раиси М.Юсупов, "Бухородонмаҳсулот" ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг келгуси йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар лойиҳаларини парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар муҳокамасига ҳавола этди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетда)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 декабрь куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алан Ларсонни қабул қилди.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, балки, деярли, барча соҳаларни қамраб олган. Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида Америка Қўшма Штатларига ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама алоқаларни янада юқори босқичга кўтарди.

Бу, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг юксак суръатларда ўсаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, 2001 йилда бу кўрсаткич 290 миллион долларга тенг бўлган эди. Жорий йилнинг ўтган ўн ойида эса ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 323 миллион доллардан ошди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари АҚШ сиёсий доираларида Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътиборни юксак қадрлашини таъкидлади.

А. Ларсон қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, АҚШ Марказий Осиёда ўз салоҳияти ва имкониятлари жиҳатдан етакчи ўринда турувчи Ўзбекистон билан кенг ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини қайд этди.

АҚШ мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Республикамизнинг минтақадаги хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги, шунингдек, халқаро террорчилик, диний экстремизм ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний оқимига қарши курашдаги қатъиятини юксак қадрлайди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро манфаатли алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

10 ЁШДАГИ XI СИНФ ЎҚУВЧИСИ 4-бет

ЎҚУВЧИЛАРНИ ЗАВҚЛАНТИРИШ — ПУХТА ЎЗЛАШТИРИШ ОМИЛИ 4-бет

БОЛАЛАРНИ СЕВИНГ!.. 5-бет

ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ ТАЪСИРИГА ЧИЗГИЛАР 8-мақола 7-бет

ИҚТИДОРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТИ 10-бет

БУГУНГИ АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРА 11-бет

SINOV (Hikoya) 13-бет

ТВ ДАСТУРЛАР 14-бет

МАТЕМАТИКАДАН ЗИНАСИМОН КРОССВОРДЛАР 16-бет

Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов депутатлар эътиборига "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳавола этди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунларнинг олий ҳокимият органларида халқ хоҳиш-иродасини янада кенгроқ таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият қуришда улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳалари турли сиёсий кучлар ва ҳудудларнинг вакили бўлган қонун чиқарувчиларнинг энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишдаги ролини кучайтиришга қаратилган. Президент аҳолининг турли қатламлари манфаатларини амалга оширишнинг энг мақбул механизмини яратиш, мамлакатнинг профессионал олий қонунчилик органини шакллантириш учун бўлғуси парламентнинг иккала палатаси ваколатларини аниқ белгилаш зарурлигини алоҳида қайд этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокамасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари, "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси И.Ғафуров, Олий Мажлиснинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси, Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ДАЖ бошқаруви раиси — бош директори В.Кучеров, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари А.Болиев, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, "Фонон" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.Ашуров қатнашди.

Олий Мажлис "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси янги таҳрирдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Бу ҳақда Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов ахборот берди.

Янги таҳрирдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида Қоракўл тумани ҳокими А.Раҳмонов, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Р.Муҳаммадиев иштирок этди. Депутатлар янги таҳрирдаги ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида "Андижон нашриёти" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Ҳ.Нўъмонов, "Новатор" ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев, Хатирчи туманидаги А.Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаҳҳоров, Ғузор тумани ҳокими Х.Бозоров, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова сўзга чиқди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов депутатлар эътиборига "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳавола этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон жаҳон тиллари университети проректори Г.Боқиева, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ў.Охунов, "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Э.Аъзамов иштирок этди. Олий Мажлис ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳужжат юзасидан Паркент тумани ҳокими М.Кўччиев, "Бухоротурист" акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, Қамаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Ғофуров ўз фикрларини билдирди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

13 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

* * *

Сессиянинг иккинчи куни янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев ҳавола этди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, "Хоразм шакар" очиқ турдаги акционерлик жамияти директори Қ.Хўжамуродов, "Наманганмевасабзавот" вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Н.Қурбонбоев, "Комплекс тематик экспедиция" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Т.Бобожонов, "Бухоросувқурилиш" акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Ҳайдаров ўз фикрларини билдирди. Парламент янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Янги таҳрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Қ.Жумабеков тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида "Қизилқумнодирметаллолтин" давлат концерни раиси Н.Кучерский, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов, "Олмалиқ конметаллургия комбинати" очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко иштирок этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конларни саноат йўли билан ўзлаштиришда қўшимча нодир металларни мумкин қадар тўлиқ қазиб олиш зарурлигини таъкидлади. Нодир металлардан халқимизнинг бугунги ва келгуси авлодлари фаровонлиги учун самарали фойдаланиш мақсадида уларни ишлаб чиқишнинг узоқ муддатли дастури зарур. Президент, шунингдек, нодир металларни саноат йўли билан ўзлаштириш учун мамлакатимизда ўз базамизни ташкил этиш, ушбу соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай шароитлар яратиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бўйича ахборот берди. Ушбу масала юзасидан Пахтачи тумани ҳокими Э.Умматов, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р.Каттаева, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ўз фикрини билдирди.

Мазкур масала муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини даромадлар устидан қўшимча назорат ўрнатувчи ҳужжат сифатида баҳоламаслик зарурлигини алоҳида қайд этди. Барча тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг даромадларини декларация қилиш тартиби мавжуд. Президент бу масаланинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, лойиҳани кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун қайта ишлаш давомида аҳолининг барча қатламлари фикрини ҳамда халқимизнинг менталитетини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлади.

Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ-бадиий жамоалар дирекцияси директори Ў.Саиджоновнинг чиқишларидан сўнг Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари номидан парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни қабул қилди.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси Котибияти раҳбари Т.Қўзиевнинг фуқароларнинг сессия давомида келиб тушган мурожаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ўртасидаги шахсларни Халқаро жиноий судга топширишга доир битимни, Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисидаги шартномани ратификация қилди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Ишметовнинг тақдимотига кўра депутатлар Ф.Абдуазимовни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси ўз ишини якунлади.

КЎНГИЛДАГИ ОРЗУ УШАЛДИ

Обод маҳалла йили...

Тўғриси, биз ўқитувчилар 2003 йил қайси ном билан аталаркан деган фикрда эдик. Айнан республикамизда истиқомат қилувчи барча кексаю ёшнинг кўнглида шу савол эди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан янги йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши айни муддао бўлди.

Халқимиз: "Маҳалланг тинч, сен тинч", деб бежиз айтмайди. Маҳалланинг тинчлиги эса унинг оқсоқолларига, фаолларига ва шу жумладан, биз ўқитувчиларга ҳам боғлиқ. Ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшаши, бир-бирига бўлган биродарлиги ва саховати, яхшиёмон кунларида ҳамдард бўлиши, маҳаллани янаям жипслаштириб туради.

Мен истиқомат қилувчи Мирзо Улуғбек туманидаги Навоий маҳалласининг олиб бораётган ташкилий ва тадбирий ишлари эътиборга моликдир.

Маҳалла оқсоқоллари ҳамма ишга бош-қош. Биронта йиғин, тўй-маърака улар билан бемаслаҳат қилинмайди. Айниқса, ҳар бир хонадон эрта тонгданоқ супурилган, ораста қилиб қўйилишининг ўзиёқ, маҳаллада истиқомат қилувчи инсонларнинг маънавий дунёси гўзаллигидан, маданиятидан далолат беради.

Менимча, биз ўз маҳалламиз билан фахрланишдан олдин: "Мен ўз маҳаллам учун нима иш қилаяпман, қандай иш қилиб, маҳалламдаги инсонларнинг оғирини енгил қилишим мумкин", — деган саволни олдимизга қўйишимиз керак.

Менинг маҳаллам уйим остонасидан бошланади. Шу боис, уйимиз остонаси гўзал, осуда бўлиши учун биз ўқитувчилар ҳам масъулмиз. Чунки шу остонада тарбияланаётган жажжи ўғил-қизларимиз эртага бизнинг мактабимиз остонасига қадам қўяди.

XXI аср ворисларининг ҳар бирини Обод маҳалланинг озод, эркин фикрли ёшлари қилиб тарбиялаш, уларни киндик қони тўкилган шу заминга меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида шакллантиришга оила, маҳалла, сиз ва биз масъулмиз.

Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА,
Республика ихтисослашган лицейининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси, ижодкор муаллима, Халқ таълими аълочиси

"Ma`rifat"ГА ЁЗГАНИМ БЎЛСИН

ғолиб муаллифларимиз шундай қарорга келишди

Таҳририятимиз ижодий жамоаси таркибида тузилган таҳлил гуруҳи шу йил ноябрь ойида "Маърифат"да эълон қилинган энг яхши журналистик материалларни аниқлади. Бешта номинация бўйича танловда қатнашган материаллар салмоғи ўтган ойлардагига нисбатан сезиларли даражада кўпайди. Ва бу таҳлил гуруҳи ишига янада жиддийлик бахш этди.

Дастлаб "Энг яхши саҳифа" номинацияси бўйича ғолиб аниқланди. Саъдулла Ҳакимовнинг "Онажон" деб номланган бахшидаси (16 ноябрь), Муҳаммад Қуроновнинг "Миллатлараро тотувлик ва толерантлик" сарлавҳаси остида эълон қилинган материали ойнинг энг яхши саҳифаларидан эканлиги эътироф этилгани ҳолда, ғолиблик Муҳаммад Қуронов (суратда)га насиб этди.

Tanlovimiz g'oliblari

"Энг яхши мақола"лар — Баҳодир Жовлиевнинг "Қиш бошланди" (30 ноябрь), Маҳмуд Йўлдошевнинг "Тарбиянинг руҳий таъсирига чизгилар" (туркум мақолалар), Ирода Ҳамидованинг "Дарсларим-асарларим"(20 ноябрь), Озод Шарафитдиновнинг "Зикриё Мирҳожиев жумбоғи" (9 ноябрь), Абдулҳамид Мухторовнинг "Зиёрат одоби" (13 ноябрь) юқори баҳоланди. Давомли мунозаралардан сўнг Маҳмуд Йўлдошев (суратда) ойнинг энг яхши мақоласи муаллифи деб топилди.

"Энг яхши интервью" номинацияси бўйича махсус мухбиримиз Абдували Обиддинов кўпчилик томонидан ғолиб деб тан олинди. Қаҳҳор бахши Қодир бахши ўғлидан олган интервьюси учун (9 ноябрь). Шунингдек, ноябрь ойида эълон қилинган Назокат Холметованинг "Тонг отмасдан уйғонибди қиз бола" (2 ноябрь) сар-лавҳали суҳбати ва Саломат Ҳасановонинг "Ўқувчи муваффақияти ўқитувчи изланишида" (6 ноябрь) деб номланган интервьюлари ҳам юқори баҳоланди.

Назокат Холметованинг "Инклюзив таълим нима?" сарлавҳали янгилиги ойнинг "Энг яхши янгилиги" сифатида қайд этилди.

Ойлик танловимизнинг "Энг яхши фотосурат" номинацияси бўйича Ўзбекистон миллий ахборот Агентлиги фотожурналисти Абдувоҳид Тўраев олган сурат (2 ноябрь, 1-бет) ғолиб деб эътироф этилди.

Ижодий жамоамиз номидан ғолибларни қутлаймиз.

Танловимизга эса, барча журналист ижодкорларни таклиф қилиб қоламиз.

ГАЗЕТА ИШИМИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

дейди навоийлик халқ таълими ходимлари

— Тўғрисини айтсак, "Маърифат" газетаси тилимизга, дилимизга озуқа берувчи манба ҳисобланади. Унда пайдо бўлган акс-садо ўқитувчи, ўқувчи, ҳаттоки боғчада тарбияланаётган кичик одамзоднинг истак, таклиф, талабларига жавоб беради. Айниқса, газетамиз таълимдаги айрим муаммо ва жумбоқларнинг ечимини топишда нажот ҳисобланади, — деб муштарийлар мулоқотини бошлаб берди Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Алиев.

Шундан сўнг, ушбу давра суҳбатида "Маърифат" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Абдусамад Раҳимов газетанинг бугунги мақсади, унинг ранг-баранглигини таъминлаш, таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларда, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда матбуотнинг роли ҳақида фикр юритди.

Obuna-2003

Шундан сўнг, сўзга чиққан вилоят халқ таълими бошқармаси Кадрлар бўлими бошлиғи М.Сафаров газетанинг ранг-баранг чиқаётганлиги ва ҳозиржавоблигига тўхталар экан, ўқитувчи ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш борасида рукн ташкил этишни таклиф қилди. Кармана ва Навоий туманлари халқ таълими бўлими мудирлари эса газета саҳифасида бошланғич синф ўқитувчиларининг иш тажрибаларини кенгроқ ёритиш таклифи билан чиқишди.

Айниқса вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Нурхон Бекниёзовнинг газета маънавият ва эзгулик туйғусини биргина зиёлилар ўртасида эмас, балки оила, маҳалла, мактаб жамоасининг дастёри сифатида уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда машъал ҳисобланади деб таъкидлаши барчага маъқул бўлди. Вилоят ХТБ бошлиғи обунани энг самарали ташкил қилган туман ХТБ мудирига уч баробар ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот берилишини эълон қилди.

11 декабрь куни "Маърифат" газетасининг вакиллари билан Навбаҳор тумани халқ таълими ходимлари, Навоий педагогика институти, Кармана қишлоқ хўжалик коллежининг педагогик жамоаси билан ҳам учрашувлар ўтказилди.

Ўткир ПЎЛАТ

"НИҲОЛ" БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Андижон вилояти Бўз туманидаги 26-ҳуқуқ ва иқтисодиётни ўрганишга ихтисослашган интернатда болаларнинг "Ниҳол" республикаси тузилди. Унинг ўз конституцияси ва президенти бор.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги фармойиши эълон қилингандан кейин Асосий Қонунни ҳар томонлама ўрганиш мақсадида ўқувчиларнинг рамзий "Ниҳол" республикаси ташкил этилди, — деди интернат директори Галина Цой "Туркистон пресс" мухбирига. — Эндиликда ўқувчилар дарсдан ташқари вақтларда ўйин шаклида жамоатчилик ишлари, шунингдек, Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш билан машғул бўлишяпти.

Андижон вилояти, "Туркистон пресс"



Очиқ дарс — тажриба майдони. Зеро, мазкур машғулот ўқувчининг дарсга эътиборини орттирса, ўқитувчига ҳам масъулият юклайди. Чунки, унинг ушбу дарси нафақат ўқувчиларга, балки ўқитувчиларга ҳам ўзига хос сабоқ бўлмоғи лозим. Ўз ўрнида назоратчи ўқитувчилар томонидан машғулотга берилган баҳо эса ўқитувчининг ҳам тегишли хулоса чиқариб олишига имкон яратади. Бу эса ўқитувчию ўқувчиларнинг янада кўпроқ изланишига туртки бўлиши, шубҳасиз. Шу боис, Чироқчи туманидаги Жумабой Эрбоев номидаги 37-мактабда очиқ дарсларнинг кўпроқ ўтилишига алоҳида эътибор қаратилган. Натижада эса фан ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган машғулотларнинг тобора такомиллашаётганлиги боис, ўқувчилар билим самарадорлигида ҳам ўсиш кузатилмоқда.

Суратда: тажрибали математика ўқитувчиси Ҳамдам Хўжамқулов дарсни қизиқарли тарзда олиб бормоқда.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Синфдошлари ҳарфларни ёзиб ўрганишаётган пайтда, у катта-катта матнларни қийналмасдан ўқий олар, бир дақиқада ўқиган сўзлари 120-150 тагача етарди.

10 ЁШДАГИ XI СИНФ ЎҚУВЧИСИ

Hayrat

Олимлар қобилият билан истеъдодни бир-биридан фарқли тушунча деб, асослашга уринадилар. Лекин улар бир-бирига мазмунан яқинроқ бўлиб, аслида "қобилият"га нисбатан "истеъдод" тарозида кўпроқ тош босади, бу аниқ. Демак, олимлар бу борада ҳаққа ўхшайди...

Саккиз ойлигида алпанг-алпанг қадам ташлай бошлаган Ҳилоланинг бир ёшлигидаги бийронлиги ўз тенгқурларининкидан кескин фарқ қиларди. Қизалоқнинг нигоҳлари ҳам зийрак, ақлга лиммо-лим эди, теварак-атрофни, нарса ва жониворларни, ўзи билан мулоқотда бўлувчи ота-онаси, буви-буваси, боғча опалари, қўйингки, қариндош-уруғларини ҳам ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳайратга соларди. Уч ёшлигидан бошлаб бу қизча ота-онаси етакчилигида Тошкент шаҳридаги 43-мактабнинг якшанбалик мактабига қатнай бошлади. Бу ерда кўпроқ 5-6 ёшдаги болалар мактабга тайёргарлик босқичини ўташар, улар орасида Ҳилола сингари жажжи қизалоқлар кўп эмасди. Расм чизиш, ҳарфларни ёзиб ўрганиш, шахмат-шашка, мусиқий саводхонлик, турли хил жисмоний машқлар Ҳилолани ривожлантириб борар, онаси, отаси ўз фарзандининг ютуқларидан қувонишиб, "кўз тегмасин" деб қўйишарди. Шу тариқа Ҳилола 6 ёшга етди. Бу пайтда у "Алифбе"ни ҳижжалаб эмас, балки бемалол, эмин-эркин ўқий олар, арифметик амалларни миясида бажаришга ўрганган, нарса-ҳодисаларнинг ўзига қараб, бинойидек сурат чизар, хуллас, "ғиж-ғиж" истеъдод эди.

1998 йилнинг 1 сентябрида бу қизалоқ мактаб деган қутлуғ кошонанинг 1-синфига қабул қилиндию, кўп ўтмай, дастурларни қисқа-қисқа муддатларда ўзлаштириб олгач, иккинчи синфга "сакради". У синфдошлари ҳарфларни ёзиб ўрганишаётган пайтда, у катта-катта матнларни қийналмасдан ўқий олар, бир дақиқада ўқиган сўзлари 120-150 тагача етарди.

1998-99 ўқув йили Ҳилола Саидова Қарши шаҳридаги 23-мактабнинг 1-, 2-, 3-, 4-, 5-синфларини бир йўла тугатишга муваффақ бўлди. Бу ҳайратомуз бир ҳолат эди, унча-мунча бола уддасидан чиқа олмайдиган бошланғич таълим дастурининг бир йўла, жуда қисқа муддатда ўзлаштирилиши ўқитувчиларни ҳам, мактаб раҳбариятини ҳам таажжубга солди. Аммо тўғрисини айтганда, бу табриклашга арзийдиган улкан муваффақият эди.

"Сакраб" ўқишни психологларнинг айримлари қоралашади. Уларнинг фикрича, бундай болалар кескин тарзда тез ривожланиб, бирдан тормозланишлари мумкин. Лекин Оллоҳ томонидан инъом этилган истеъдод бўлса, бундай болада ўша ҳолат рўй бермайди, аксинча у ўз йўлидан оғишмай, хаёли бошқа томонга кетмай фақат олға интилади. Унинг учун олдинда нурафшон бир манзил бор, у ўша манзилга етмагунча қўймайди.

1999 йилда аслида иккинчи синфда ўқиши керак бўлган Ҳилола 4-синф ўқувчисига айланган эди. У бир йил ичидаёқ барча фанларни фақат аъло баҳоларга ўзлаштириб 6-синфда ўтиладиган фанларга "ҳужум"ни бошлаб юборди. Ботаника, тарих, география, физика, кимё, инглиз тили фанларини ўқиб-ўрганиш борган сари унинг ақлини, тафаккурини чархлаб, бойитиб борар, ўзининг билим заҳирасини қанчалик тўлдирмасин, ҳали бу билан чекланиб қолиши керак эмаслигини ҳам бола қалби билан теран англарди.

Ўша ўқув йилининг биринчи ярим йилида Ҳилола VI-VII-синф учун белгиланган давлат таълим стандартларини тўлиқ эгаллаб, ўзидан ёшлари бир неча баравар катта синфдошларини лол қолдирди. 7 ёшли ўқувчининг 13 ёшдаги болаларни "қувиб" етиб олиши, ҳаял ўтмай, бир "юмалаб" 8-синф ўқувчисига айланиши истеъдоднинг гуллаб-яшнашидан, гуркираб, бўй кўрсатишидан далолат берарди. Шундай қилиб, қизалоқ 6-, 7-, 8-синфлар билан 1999-2000 ўқув йилида "хайрлашди". Кейинги йили Ҳилола 9-синф ўқувчилари орасига кириб олди. Физиологик ва руҳий жиҳатидан Ҳилола ўз синфдошларидан фарқланиб турса-да, бу ҳолат унинг билим чўққиларини забт этишига тўсиқ бўлолмасди. Ахир у ҳам улар билган, эгаллаган нарсаларни аллақачон ўзлаштириб олганди.

Катта ёшли синфдошлари дарсларда тинмай ўзини кўрсатадиган, қўл кўтаришдан чарчамайдиган, танаффусда ҳам китоб мутолаасидан эринмайдиган бу қизчага дам ҳавас, дам ҳасад билан қарашар, айримлари унинг "танка"си бўлса керак, деган фикрларни ҳам айтишарди. Лекин унинг ҳеч қандай танкпанки ҳам йўқ эди, бор-йўғи истеъдоди ғунча оча бошлаган бир қизалоқ эди.

2001 йили Ҳилола Саидова 23-мактабнинг 9-синфига ўтди ва ўқув йилининг охирига қадар ўша синфда муқим ўқиди. У ҳозир ўша мактабнинг 11-синфида ўқияпти. Сентябрь, октябрь ойларида у 10-синф дастурини тезликда ўзлаштириб олдию, навбат 11-синфга келди. Насиб этса, шу ўқув йилининг охирида бу қизга етуклик шаҳодатномаси берилади. Ажаб эмас, у 11 ёшида талабалик бахтига эришса. Ҳилоланинг орзуси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси бўлиш. Бунга жуда ҳам оз фурсат қолди. "Сакраб" ўқиш жараёнида табелига бирорта ҳам "4" баҳо туширмаган бу қизчанинг шу даражага эришишида бувиси, педагогика фанлари номзоди Салтанат Саидованинг хизмати кўп ва мўл. "Ўригидан мағзи ширин" деганларидек, неваралар ташвиши бува, бувиларга тотлироқ туюларкан.

Бундай истеъдод эгалари ҳақида ёзиш қалам аҳли учун ҳам жуда ёқимли ва завқлидир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА
Суратда: Ҳ.САИДОВА

ТАБИАТ — ЧЕКМАСИН АЗИЯТ

Tadbir

Яқинда Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 48-мактабда ўқувчилар ўртасида экологик маданиятни кенг тарғиб қилиш мақсадида "Табиат — чекмасин азият" деб номланган тадбир ўтказилди. Унда илм масканининг энг фаол ўқувчилари табиат ҳақидаги билимларини намойиш этдилар. Айниқса, география фани ўқитувчиси Истат Шарипова раҳбарлигидаги 5-синф ўқувчилари "Табиатни эъзозлайлик" мавзуидаги чиқишларида табиат нима? — деган саволга уйим, қишлоғим, яйлову дарёларим каби 20 дан ортиқ таърифни келтирдилар.

Эътиборлиси, улар Конституциямизнинг 52-,55-моддаларни ҳам тилга олишиб, ўғил-қизларнинг бурч ва масъулиятларини яна бир карра эслатдилар. Хуллас, тадбир иштирокчилари табиатга онгли муносабатда бўлиш, лозим топилса, уни ҳимоя қилиш зарур деган хулосага келдилар.

Бибисора ШАРИПОВА

ЎҚУВЧИЛАРНИ ЗАВҚЛАНТИРИШ — ПУХТА ЎЗЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Amaliy mashg'ulot

Ҳар бир муаллим дарс ва машғулотларда ўқувчиларнинг фаоллиги ва фикрлаш қобилиятини ошириш йўлида чуқур изланишлар олиб бориши зарур. Чунки бу жараён ўз-ўзидан дарс самарадорлигини таъминлашга олиб келади. Хўш, бу борада қандай усул ва методлардан фойдаланмоқ даркор. Ўқувчининг дарсни, берилган мавзуни яхши, кўнгилдагидек, ўзлаштиришига қандай йўллар орқали эришилади? Ўқувчининг дарсдан завқ олиши яна қандай омилларга боғлиқ?

Ҳар бир дарсга тайёргарлик кўриш асосида, шунингдек, ўқувчиларни олдига киришдан олдин ўз-ўзимга ана шундай саволлар билан мурожаат қиламан. Чунончи, яқинда 7-синфга кираётиб, ўқувчиларга "Трапеция" мавзуси юзасидан "Трапеция нимани билдиради?", бу сўзни қайсингиз эшитгансиз, каби саволлар берсам қандай жавоб олар эканман, дея ўйладим. Кутилганидек, дарс самарали ўтди. Ҳаттоки, ўқувчилар дарс жараёнида тўғри бурчакли тўртбурчак, параллелограмм, квадрат, ромб шаклларини ёрдамида ("Зинама-зина", "Арча безаклари" ўйинлари) мавзуни тўлдириш илинжида ҳам бўлишди. Демак, ўқувчиларга тўғри йўналишлар берилса, ҳар бир ўқувчи мавзуга ижодий ёндашиб, мустақил фикр юрита бошлайдилар. Мустақил фикрлаш, изланишлар ўқувчиларни завқлантиради. Натижада уларнинг руҳиятларида ижобий томонга ўзгариш содир бўла боради. Аксарият ҳолларда ўғил-қизларнинг мустақил фикрлашларига ва ижодий изланишларига кўпроқ эътибор бераман. Яқинда математика фанидан "Учбурчак юзи" (6-синф) мавзусини баён этаётиб,

$$S=\frac{1}{2}ah$$

формуласини қандай усуллар билан тушунтирсам ўқувчилар онггига чуқурроқ сингади, деб ўйладим ва жараёнда масалалар ечишга катта эътибор бердим. Натижалар эса чакки бўлмади.

1-масала. Учбурчакнинг асоси 2.8 см, баландлиги асосининг 0.25 қисмига тенг. Шу учбурчакнинг юзини топинг.

Ечиш: a=2,8 см
h=2,8x0.25=0,7

$$S=\frac{1}{2}ah=\frac{1}{2}\times 2{,}8\times 0{,}7=0{,}98$$

Жавоб: 0.98 см²

2-масала. Учбурчакнинг баландлиги 10.4 см. Асоси баландлигидан 2.1 марта узун. Шу учбурчакнинг юзини топинг.

Ечиш: h=10.4 см
a=2,1h=2,1x10,4=21,84

$$S=\frac{1}{2}ah=\frac{1}{2}\times 21{,}84\times 10{,}4=113{,}568$$

Жавоб: 113.568 см²

Дарс жараёнида тарқатма топшириқларга ҳам кенг ўрин ажратдим.

Масалан:

$a=\frac{1}{2}$ $h=\frac{2}{3}$ a=4,6

h=2a a=h+4 h=a+0,2
S=? S=? S=?

Бу топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларга "Учбурчак юзи" мавзусини чуқур ўзлаштириш билан бирга оддий, унли, аралаш каср, ўнли касрни қўшиш ва айириш, касрни кўпайтириш, ҳарфий ифода каби тушунчаларни такрорлатаман. Бу эса 5-, 6-синф математика курсини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шунингдек, тестдан фойдаланиш ҳам ижобий натижаларини бермасдан қолмайди:

1. Учбурчак юзини ҳисоблаш формуласини аниқланг.

A) S=ab B) $S=\frac{1}{2}ah$ C) $S=a^2$

2. Асоси 10.2 см, баландлиги унинг ярмига тенг. Учбурчак юзини ҳисобланг.

A) B) C)

3. h



S=?

A) S=ah B) $S=\frac{1}{2}ah$ C) S=2ah

Тест топшириқларини бажариш учун ўқувчи тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак юзларини ҳисоблаш формулаларини ёдга олади. Шаклга қараб масала мазмунини аниқлайди. Масалаларни турли шаклда ишлаш ўқувчиларни янада завқлантиради ва улар мустақил фикрлаб ижодий изланадилар.

Дарс давомида кўргазмалардан ҳам фойдаланаман. Учбурчак шаклларини ўқувчиларга тарқатганим заҳотиёқ, улар учбурчак шаклларидан ўлчаш орқали асос ва баландлик узунлигини аниқлай бошлайдилар.

$S=\frac{1}{2}ah$ формула ёрдамида учбурчак юзини ҳисоблайдилар.

Ўқувчиларга учбурчак шаклларини ўлчаш вақтида узунлик юзи ўлчов бирликларини, учбурчак турлари, тенг ёнли, тенг томонли, ихтиёрий томонли, тўғри бурчакли, ўткир бурчакли, ўтмас бурчакли тушунчаларни такрорлатаман.



Такрорлаш мустаҳкам билим олиш гаровидир. Хуллас, мустаҳкам билим олган ҳар бир ўқувчи математика фанини севади, қизиқиши ортади, тафаккури кенгаяди.

Ҳамида ИСМОИЛОВА,
Сирғали туманидаги
237-мактабнинг I тоифали
математика фани ўқитувчиси

Гавҳар Ибодуллаева Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 19-мактабда ўғил-қизларга 15 йилдан ортиқроқ она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб, улар меҳрини қозона олган ўқитувчи. Уни Хоразмда нафақат ўғил-қизларнинг севимли устози, балки қадрият ва анъаналаримиз тарғиботчиси ҳамда иқтидорли шоира сифатида ҳам яхши билишади. Ёшликдан гўзаллик олами — адабиётга, шеъриятга ихлоси самараси ўлароқ, унинг қатор шеърий тўпламлари нашр қилинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. "Йил ўқитувчиси—95" республика кўрик-танловининг мутлақ ғолибасидир.

Айни кунда Гавҳар Ибодуллаева республика Маънавият ва маърифат маркази Хоразм вилоят бўлими раҳбари лавозимида фаолият кўрсатаяпти. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати ҳамдир. Аёл, Она, жамоат арбоби билан суҳбатимиз таълим-тарбия масалалари хусусида бўлди.

Mehmonxona

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА:

БОЛАЛАРНИ СЕВИНГ!..

— Бугунги кун муаллимида қандай фазилатлар мужассам бўлиши лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Ажойиб шоиримиз Абдулла Ориповнинг шундай бир мисралари бор: "Муаллим камолот ичра кўзгудир". Албатта, одамзотга жамики яхши фазилатлар, жамики одоб, инсоний хислатлар, аввало, ота-она ибрати, тарбияси билан ўтса, аслида унинг рамзий давоми, асоси асосан ўқитувчи тарбияси билан сингади. Шу маънода бугунги кун ўқитувчиси фазилатларини агар бир тартиб, рақам бериб санайдиган бўлсак, унинг биринчи рақамдаги фазилати — бу фидойилик деб тушунаман. Бугунги куннинг ўқитувчиси, балки бу сўзни уч бора такрор айтиш керакдир — фидойи, фидойи ва фидойи бўлмоғи даркор. Чунки, жамиятимизнинг барча соҳаларида ислоҳотлар амалга оширилаётган бир паллада ўқитувчи бир жойда тўхтаб қолиши ёки арзимаган бир баҳоналарни сабаб қилиб ўз ишига совуққонлик билан қараши асло мумкин эмас. Зеро, бугунги жамиятнинг, давлатнинг талаби бизларнинг ёшларимиз келажаги ҳақидаги орзу-умидларимиз руёбга чиқиши ўқитувчи меҳнатидан. Бу касб эса фақат фидойиликни талаб этади.

Ўз навбатида бугунги ўқитувчи илғор, замонавий билимлар эгаси, шу билан бирга миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни, умуман миллийлигимизни ўзининг бутун хатти-ҳаракатида, гап-сўзида, муомаласида акс эттирган бўлиши керак. Бугун биз дунёга ЎЗБЕК деган миллатни танитишни хоҳлайдиган бўлсак, ана шу миллатнинг асл хислатлари, сифатлари ўқитувчи қиёфасида, тимсолида намоён бўлиши керак ва ундан бевосита тарбия, ибрат маъносида ўқувчига ўтиши зарур.

— Баъзи ўқитувчилар айрим ҳолларда дарсга юзаки қарашади. Салоҳиятли муаллимлар эса дарс ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги ижодий изланиши, деб сидқидилдан ишлашади. Гавҳар опа, дарс нима ўзи? Ноанъанавий дарс-чи?

— Дарслик бола учун дастур, қонун бўлиб хизмат қилади. Дарс эса ана шу қонунлардаги тушунчаларни ўзлаштириш жараёни. Жараённи ташкил этиш ўқитувчининг истеъдоди, билими, маҳоратига боғлиқ. Бугун мактаб ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, албатта, ўқувчи эгаллаши лозим бўлган билим, тарбия, таълим — барчаси биз учун анъанавий бўлган жараён — дарс орқали ўз ифодасини топади. Дарс маълум маънода шакл деб қабул қилинадиган бўлса, лекин аслида бугунги синфхоналарда таҳсил олаётган, камол топаётган болалар учун ҳар бир дарс ўлчовли бир умрнинг маълум бир лаҳзаси, пиллапояси, унинг камолоти учун замин яратадиган бир жараёндир.

Шу маънода ўқувчига чегаралаб бериладиган ана шу дарслар жўн машғулот бўлиб қолмасдан, у ҳаётий бир мазмун касб этиши керак. Ўқувчига билим бериш баробарида унинг тарбияси, дунёқараши, савияси, ахлоқи, маданияти юксалишида муҳим ўрин тутиши керак. Бугунги кунда таълим тизимида олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар ноанъанавий дарсларни, янги педагогик технологияларни қўллашни тақозо қилмоқда. Лекин, ноанъанавий дарсга ҳамма шаклу шамойилларни, ортиқча ҳашамларни киритмасдан, мавзунинг асл мазмунини, асл моҳиятини чуқур англатишга қаратилган самарали усуллардан фойдаланишни жоиз, деб биламан.

— Қўқонда ўтказилган "Йил ўқитувчиси—95" республика кўрик-танловида Ватан тушунчаси энг ноёб туйғу эканлигини ўзига хос тарзда ифодалаб берган экансиз. Гавҳар опа, ўша чиқишингиз хотирангизда қолганми?

— Ватан ҳақида кўп гапирамиз. Унинг муқаддас туйғу, Она тупроқнинг саждагоҳ эканлигини кўп таъкидлаймиз. Лекин, менинг назаримда, Ватан деган туйғуни бошдан кечириб кўрмоқнинг ўзи унинг нима эканлигини одамзот қалбига чуқур муҳрлайди. Қўқон шаҳрида ўтказилган "Йил ўқитувчиси—95" республика кўрик-танловида шу туйғуни бошдан кечиришга тўғри келган. Чунки, у ерда Янгибозор туманидаги 19-мактабнинг оддий она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Хоразм тимсолида беллашувга кирган, Хоразм тимсолида саҳнага чиққан.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Беллашув жараёнида Ватан туйғуси ҳақида баҳс бўлиб ўтди. Мавзуни ёритиш учун олиб борган нарсаларимизнинг ҳаммаси узоқ масофадан келтирилгани натижасида ишдан чиқиб қолгани боис, биз уларнинг ҳеч биридан саҳнада фойдалана олмадик. Мен учун ўша мураккаб бир жараёнда ёрдам берган энг буюк бир неъмат — СЎЗ бўлган. Фақат сўзим орқали Ватанни таърифлашга ҳаракат қилганман.

Мана ўша сўзлар:

"Ватан одамизот уйғонган боғ, суянган тоғ, — дейдилар.

Одамизот борар бўлса, бош уриб борадирган манзил,

Одамизот қайтар бўлса, қон ютиб қайтадирган макон — Ватан.

Азизлар! Бугун сизнинг қошингизда Ватан ҳақида сўз айтмоқ учун энг чиройли сўзлар ахтардим, лекин сўзлар тополмадим, унга муносиб. Бу дунёнинг сўзлари, шоирлар қалами ожиз туюлди.

Ватан қиёфасин чизмоқ учун энг нурафшон ранглар ахтардим, лекин ранглар тополмадим, унга ярашиқли.

Табиатнинг бор ранглари нурсиз, ғариб бўлиб қолди унинг қошида,

Ватан мавзусини ёритмоқ учун энг ажойиб йўллар ахтардим ва лекин буни ҳам эплай олмадим.

Ахир ўйланг, шу бепоён Ўзбекистонни, аждодларим хоки туроби — муқаддас қабрларни бу саҳнага қандай кўчирай?

Жамолига минг боққан билан тўйиб бўлмас боғу роғларни,

чўлу сахро, тоғу тошларни,

шарқироқ сой, шўх ирмоқларни бу саҳнага қандай кўчирай?

Ватан борки, эл бор, дейдилар,

Ва эл борки, Ватан ҳам бордир,

Ватансиз эл дарбадару, элсиз Ватан биёбон бўлса, шу азиз Ватан деб жон чекаётган заҳматкаш элимни, дардкаш элимни бу саҳнага қандай кўчирай.

Шунинг учун ҳам Сиз ҳеч ажабланманг, қошингизга ёлғиз ўзим бош уриб чиқдим.

Келинг, шу муҳташам кошона, менинг синфхонам, Сиз эса тингловчим бўлингу, Мен Сизга Ватан ҳақида фақат икки оғиз сўз айтай:

Мен — Онаман, Ватан тимсоли! Ватанни таърифлай билмайман, унинг суратлари менинг кўзимда.

Сиз Ватанни кўрмоқ бўлсангиз, майли кўзларимни ола қолингиз!

Мен Ватанни қиёслай билмайман, унга тенг бир матоҳ — менинг жонимдир.

Бир томирда титраб турган жонимни олинг!

Мен Ватанни кўрсата билмайман — у менинг кўксимда, қовурғам остида бир япроққина — типирчилаб турган юрагим..."

Шундай қилиб, тингловчиларга Ватан юрак каби ягона деган туйғуни етказишга ҳаракат қилдим. Фикр юкланган тафсил чақмоқдай кескир, нурдай ёруғ бўлади. Зеро, инсоният тарихидан маълум — шамшир ололмаган жойни СЎЗ олган!

— Баъзилар "Фарзандимни ёмон муҳит бузиб қўйиши мумкин-да", деб хавотирланишади. Сизнингча, муҳитга кўп нарса боғлиқми?

— Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси жуда мураккаб, муҳим масала. Барча аждодларимиз ҳамма замонларда фарзандини ҳаётининг давомчиси, хонадонининг чироғи, эртасининг эгаси деб унга алоҳида меҳр билан, алоҳида муҳаббат билан муносабатда бўлиб келган.

Лекин ана шу фарзанд тарбиясида ота-онанинг нақадар муҳим ўрни борлигини гоҳида унутиб қўямиз. Қачонки, фарзанд номақбул бўлиб чиқса, қачонки номақбул йўлларга юриб қўйса, яъни пешона тошга текканда афсусланиб, надомат чекиб юрамиз. Аслида фарзанд туғилган пайтида шундай бокира, у дастлаб тили чиққанда, илк бор қадам ташлаганда нақадар беғубор бўлади. Кейинчалик орттирилган иллатлар, нохушликлар ҳаммаси бизни шу фарзандга беэътибор қараганимиз, унинг хатти-ҳаракатига, хулқ-атворига бепарволигимиз оқибати эканлигидан кўз юма олмаймиз. Шунинг учун ҳам фарзанд тарбиясида у яшаётган муҳитнинг, хонадоннинг, у ўйнаб ўсган кўчанинг, у ўқиётган мактабнинг, бағрида камол топаётган маҳалланинг ўрни ниҳоятда катта.

Бир болага етти маҳалла ота-она бўлади, дейишади. Назаримда, халқимиздан азалдан сақланиб келаётган улуғ қадриятлар бизнинг кунларимизда ўз қадрини, кучини йўқотгандек. Бугун баъзи инсонлар, катталар хулқида шаклланган "Менга нима" қабилидаги ўзбекчилигимизга ёт бўлган иллатлар фарзандларимиз камолотида кўп нарсаларни бой беришимизга асос бўлмасмикан? Шу маънода бугун фарзандларимиз ўзимиз орзу қилгандек баркамол, Юртбошимиз, халқимиз кўз тикаётгандек етук, ҳар томонлама соғлом, дунёқараши кенг, ҳақиқий комил инсонлар бўлиб тарбияланишини истасак, мана шу кучлар — оила, мактаб, маҳалла, жамият ҳаммаси бирлашиб, ёш авлод тарбияси билан шуғулланмоғи керак.

— Жамиятимизда ҳар бир аёл эътиборда, эъзозда. Лекин айни кунда айрим опа-сингилларимиз кийинишда ҳам, юриш-туришда ҳам, одоб-муомалада ҳам удум, анъана ва қадриятларимизни четлаб ўтаётгандек туюлаверади менга...

— Ўзбек аёли азал-азалдан ўзининг ҳаёси, ибоси, назокати билан бошқа халқларнинг тилига тушиб келган. Шу хислати билан севилган, улуғланган. Албатта, жамиятимиздаги ажойиб фазилатли, ташкилотчи, тадбиркор аёлларни кўриб, уларга ҳавас қиламиз. Фарзандларимизнинг, қизларимизнинг уларга ўхшашишини истаймиз. Лекин, барибир ҳаётга очиқ кўз билан қарайдиган бўлсак, Шарқ аёлига хос бўлган ибо, ҳаё, назокат, лутф, марҳамат, илтифот каби гўзал фазилатларни баъзи аёлларда мукаммал ҳолда кўра олмаётганимиз учун дилимиз ғашланади. Шу маънода бугунги кунда аёлларнинг кийиниш масаласи ҳам бизнинг оғриқли нуқталаримизга айланиб бораяпти. Тўғри, замонавийлик яхши, лекин ҳар бир халқнинг қон-қонига сингиб кетган, момолари қадрлаб келган, бошқаларнинг кўзларини ҳаваслантирган ўзига хосликлари бўлади. Шарқ гўзали — ўзбек аёлининг, қадимги момоларимизнинг кийимлари бугун фақат кўргазмалардагина қолаётганидан афсусланиб кетасан, киши. Севимли газетамизда либослар ҳамда оилада отанинг алоҳида ўрни бўлишлиги хусусида қатор мақолалар эълон қилинди. Менинг назаримда, ана шундай тарбиявий мавзудаги мақолаларни, "Одобнома" рукнидаги чиқишларни янада кўпайтириш, чоп этиш зарур, деб ўйлайман.

— Баъзи ҳолларда келинларнинг хўжайинларига гапирганларини, яъни оила бошлиқларига "Фарзандларингиз тарбиясига қарамаяпсиз", деган дашномини ҳам эшитиб қоламиз. Аслида тарбияда Онанинг мақоми ва масъулияти айрича эмасми?

— Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади, деган ажойиб нақл бор. Фарзанд тарбиясида яна шу мақол жуда ҳам қўл келади. Чунки, фарзанд дунёга келганда икки томон — ота ҳам, она ҳам жуда катта қувончни ҳис қилади. Лекин кўпинча бизда фарзанд тарбияси билан оналар шуғулланиб қолади. Албатта, Юртбошимиз айтганидай инсонга яхши фазилатлар, юксак маънавият ота ўгити, ота насиҳати, она сути билан киради. Она вужудидан яралган шу фарзанднинг яхши бир инсон бўлиши учун ўзини бахшида қилади. Лекин, баъзи оталаримиз мана шу юмушни, муқаддас ишни фақат оналар зиммасига ташлаб қўйганлари асло тўғри эмас, деб ўйлайман.

Онадаги меҳрибонлик, юмшоқлик, куюнчаклик фарзандга ўтса, нур устига нур. Лекин отадаги қатъият, талабчанлик, интизом, қаттиққўллик фарзандга ўтса, бу фарзанд камолоти учун, ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўзининг авлодларини, наслини давом эттиришдаги масъулиятини ҳис қилиши учун кони фойда бўлади. Шунинг учун фарзанд тарбиясида отанинг ўрни, онанинг ўрни деб ажратиш маъқул иш эмас. Уларнинг иккаласи тенг меҳр берсалар, улар берган тарбияга маҳалла-қўйнинг, яқинларнинг, устозларнинг тарбияси мутаносиб бўладиган бўлса, албатта, биз орзу қилгандек комил инсонлар вояга етади юртимизда.

— Президентимиз ташаббуслари билан 2003 йил — Обод маҳалла йили, деб эълон қилинганда хаёлингиздан нималар кечди?

— Юртбошимиз томонидан мустақилликдан кейинги қатор йилларнинг "Оила", "Аёллар", "Соғлом авлод", "Қарияларни қадрлаш" йиллари сифатида эълон қилиниши замирида инсоннинг ижтимоий ҳимояси, фарзандлар камолоти, одамзотга бир марта бериладиган умрида бахтли-саодатли турмуш кечириши учун мустаҳкам замин, имкониятларни яратиш мақсадлари ётибди. Хусусан, 2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши тагида ҳам чуқур маъно бор. Инсон, аввало, маҳаллада камол топади, агар инсоннинг камол топган гўшаси обод бўлса, унинг бутун умри, кўнгли, руҳияти, келажаги обод бўлади! Шу маънода Юртбошимизнинг ниҳоятда закий бир инсон сифатидаги топқирлигига, узоқни кўра билишига яна бир бор барча амин бўлди.

"Обод маҳалла" деганимиз нафақат шу маҳалла, гузар ёки кўча, балки ҳар бир хонадоннинг ободлиги ҳамдир. Бу ободликнинг замирида нафақат қурилиш ёки боғ-роғ қилиш маъноси, балки маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам ободлик, юксалиш маънолари мужассамдир. Маҳалла обод бўлиб, юксалар экан, ундаги ҳар бир хонадон обод бўлади ва бу билан камолга етаётган фарзандларнинг эртанги куни ҳам обод бўлади.

Олий Мажлиснинг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари қўмитаси томонидан "XXI аср маҳалласи" концепцияси яратилди. Бу концепция Олий Мажлиснинг келгуси сессиялари муҳокамасига қўйилиши кутилмоқда. Концепция кучга кирадиган бўлса, маҳалла деган буюк масканнинг юксалишида, ривожланишида мамлакат миқёсида муҳим бир қадам қўйилади.

— Ўқитувчи-мураббийларимизга, муштарийларимизга дилингизга тугиб қўйган дил сўзларингиз борлиги аниқ. Истак ва тилакларингиз?

— Халқимиз фарзандни кўзимнинг нури, жону жаҳоним, чироғимни ёққувчим деб қадрлайди. Ана шу қадрлаш замирида ҳам болаларга бўлган буюк муҳаббат, сўз билан таърифлаб бўлмайдиган, шеърга солса шеърга сиғмайдиган муҳаббат туйғуси ётибди.

Болаларни севинг! Чунки болаларни севиш, бу фақат болаларни севиш эмас, балки ҳаётни, дунёни севишдир. Болаларни севиш —дунёни асраб қолиш демакдир. Бугун фарзандларимиз юракларини уйғотишимиз керак, уларнинг кўнгилларини кўтариб, юксалтиришимиз зарур. Қайси юртда руҳи, қалбида Ватан деган туйғуси баланд инсонлар яшаса, ана шу юрт, албатта обод, эртаси ёруғ ва буюк бўлади.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.

Bu uslub o'quvchilarni har bir obraz haqida mustaqil fikrini bayon etishga, o'z dunyoqarashlarini asoslab bera oladigan inson sifatida shakllantirishga yordam beradi.

ABDULLA QAHHORNING "BEMOR" ASARI USTIDA ISHLASH

Hozirgi davrga kelib yoshlarga dars berish jarayonida ta'lim-tarbiyaning turli usullari orqali o'quvchilar faolligini oshirish, erkin-mustaqil fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish har tomonlama yetuk, barkamol shaxs sifatida kamol toptirish biz pedagoglarning oldida turgan muhim, dolzarb vazifalardan biridir.

Men darslarimda ko'proq teatrlashtirilgan usulni qo'llashga harakat qilaman. Chunki o'quvchi o'zi uchun notanish bo'lgan inson obraziga qalban kirish orqali uning ruhini, xarakterini tadqiq qiladi, tilini o'rganadi, qahramonining ichki olamiga kirishga harakat qiladi. Bu uslub o'quvchilarni har bir obraz haqida mustaqil fikrini bayon etishga, o'z dunyoqarashlarini asoslab bera oladigan inson sifatida shakllantirishga yordam beradi.

Darsning maqsadi: O'quvchilarni asarning tili, matni ustida ishlashga o'rgatish, qahramonlar ruhi bilan yaqinlashtirish, badiiy-estetik didini o'stirish, hozirgi qadriyatlar tiklangan Vatan ichra faxrlanib yashashga o'rgatish, kechagi kundan saboq chiqarish.

Dars turi: noan'anaviy — teatrlashtirilgan usul va bahs-munozarali dars.

Darsning jihozi: Abdulla Qahhor hayoti, ijodi yoritilgan plakat, yozuvchining portreti, adib asarlaridan namunalar va "Bemor" hikoyasiga ishlangan rasm.

O'qituvchi: — Aziz o'quvchilar, biz o'tgan darsda siz bilan o'zbek adabiyotining ulkan darg'alaridan biri, badiiy so'z san'atkori, o'zbek hikoyachiligida o'ziga xos maktab yaratgan, haqqo'y va iste'dodli adib Abdulla Qahhor ijodining bir tomchisi bilan tanishgan edik. Zero, tomchida chashma, dengizlar aks etadi, deganlaridek, A.Qahhor hikoyalari bag'riga qissa, hatto romanlarga tenglashgudek katta mazmun, hikmatlar joylangan.

(Darsimni o'tilgan mavzuni mustahkamlash maqsadida o'zaro savol-javoblar bilan boshlayman).

Savol: — A.Qahhor asarlarini shartli ravishda 3 yo'nalishga ajratgan edik, ular qaysilar?

O'quvchi: — A.Qahhor asarlarini shartli 3 ga: 1) tarixiy, 2) zamonaviy, 3) hajviy hikoyalarga bo'lish mumkin.

Savol: — Tarixiy mavzudagi hikoyalariga qaysilar kiradi?

— O'tmishni aks ettiruvchi hikoyalar turkumiga "Bemor", "O'g'ri", "Anor", "Dahshat" kabilar kiradi.

Savol: — Zamonaviy xarakterdagi hikoyalariga qaysilar kiradi?

— "Asror bobo", "Kampirlar sim qoqdi", "Ming bir jon" singari asarlari kiradi.

Savol: — Hajviy turdagi hikoyalariga qaysilar kiradi?

— "Mayiz yemagan xotin", "To'yda aza" kabi ilhom va mahorat bilan yozilgan asarlari kiradi.

(Shundan so'ng asar bilan tanishuv o'tkazaman).

"BEMOR"

Sotiboldining xotini og'rib qoldi,
Kasallik tinchiyu oromin oldi.
Shifo istab har maskan oyog'i toldi,
Ne qilsin, ko'k yiroq, yer qattiq ekan!
Bemor xastaligi jonidan o'tdi,
Er sho'rlik har kimdan bir najot kutdi,
Chor-nochor alamin ichiga yutdi,
Ne qilsin, ko'k yiroq, yer qattiq ekan!
Zulmat ichra inson nochordir o'zi,
Har kimning chaqnasin tole yulduzi,
Tilida qotmasin alamli so'zi,
Ko'k yiroq, yer qattiq bo'lmasin ekan.

O'qituvchi: — "Bemor" ko'z oldingizda... Sahnaga 6-sinfning eng faol o'quvchilari chiqa boshlaydilar (ular quyidagicha rollarga bo'linadi: muallif, Sotiboldi, qizchasi, tabib, baxshi, o'qiydigan xotin, Abdug'aniboy, qo'shni kampir, gadoy).

... Qo'lida supurgisi bilan ayol chiqadi va o'zini behol sezib yiqiladi.

Qizchasi yugurib kelib:

— Nima qildi, ayajon, — deb so'raydi. So'ng yugurib dadasining oldiga boradi.

— Dadajon, ayam... (Sotiboldi ayolining oldiga yugurib keladi.)

— Nima qildi, onasi?

— Bilmadim, boshim aylanib, ko'zim tinib ketdi.

Muallif: — Sotiboldining xotini og'rib qoldi. Sotiboldi kasalni o'qitdi — bo'lmadi, tabibga ko'rsatdi. (Tabib chiqib qon oldi). Bemorning ko'zi tinib, boshi aylanadigan bo'lib qoldi. Baxshi o'qidi. (Bir domla chiqib "kuf-suf" qilib ketadi.) Allaqanday bir xotin kelib, tolning xipchini bilan savaladi... (Bir xotin chiqib, isiriq tutatadi, tovuq so'ygandek qiladi, qonlarini suradi, dam soladi.)

Bularning hammasi, albatta, pul bilan bo'ladi. Bunday vaqtlarda yo'g'on cho'ziladi, ingichka uziladi. (Muallif shahardagi doktorxona haqida ma'lumot beradi.) Doktorxona deganda Sotiboldining ko'z oldiga izvosh va oq poshshoning surati solingan 25 so'mlik pul kelar edi.

Bemor og'irlashdi. Sotiboldi xo'jayinining oldiga arzga bordi, ammo bu borishdan muddaosi nima ekanini aniq bilmas edi.

Abdug'aniboy: — Devonai Bahouddinga hech narsa ko'tardingmi? G'avsul A'zamga-chi?

Sotiboldi (xomush boshini chayqab): — Yo'q, — dedi.

Abdug'aniboy: — Shularni yo'qlab yuborish kerak.

Muallif: — Bemorning oldidan jilmaslik va shu yo'l bilan birga tirikchilik uchun xonaki bir kasb qilishga majbur bo'ldi. U ertadan-kechgacha oftobshuvoqda gavronlar ichida ko'milib savat to'qidi.

4 yashar qizchasi qo'liga ro'molcha olib, onasining yuzini karaxt, xira pashshalardan qo'riydi; ba'zan qo'lida ro'molcha, mukka tushib uxlab qoladi. Hamma yoq jim. Faqat pashsha g'ing'illaydi, bemor inqillaydi, har zamon yaqin-yiroqdan gadoy tovushi eshitiladi.

Gadoy (eshikka keladi): — Hoy do'st, shaydullo, ba nomi Olloh, sadaqa raddi balo, baqavli rasuli xudo.

Sotiboldi(o'zicha): Kel, uydagi baloqazolar ham daf bo'lsin. (Gadoyga qarab): — Mana, qizchaning kasal onasini duo qiling.

Gadoy: — Omin! Ilohim, Ollohning o'zi dardiga shifo bersin, Ollohu akbar. (Gadoy ketadi).

Muallif: — Bir kechasi bemor yana azob tortdi. U har ingraganda Sotiboldi chakkasiga burov solgan kishiday talvasaga tushar edi.

Qo'shni kampirni chaqirdi.

Sotiboldi: — Qo'shni, bir qarab bering.

(Kampir chiqadi, bemorning to'zigan sochlarini tuzatadi, u yoq-bu yog'ini silaydi, so'ngra... o'tirib yig'laydi va deydi):

— Begunoh go'dakning saharda qilgan duosi ijobat bo'ladi, uyg'oting qizingizni!

Sotiboldi: (Otasi qizini uyg'otadi) — Turaqol, qizim.

Qiz: — Yo'q, uxlayman.

Sotiboldi (g'azab bilan): — Tur, dedim.

Kampir: — Kelaqol, ona qizim, ayang uchun duo qilib o'tirgin. Zora duolaring ijobat bo'lsa.

Qizcha: — Xudoyo, ayamdi daydiga davo beygin...

Muallif: — Bemor kundan-kun battar, oxiri o'sal bo'ldi. Ko'nglida armon bo'lib qolmasin deb "chilyosin" qildirishga to'g'ri keldi. Sotiboldi to'qigan savatchalarini ulgurji oladigan baqqoldan 20 tanga qarz ko'tardi. "Chilyosin"dan bemor tetik chiqqanday bo'ldi, shu kechasi hatto ko'zini ochib, qizchasini yoniga tortdi va pichirlab dedi:

— Xudo qizimning saharlab qilgan duosini dargohida qabul qildi.

Dadasi, endi tuzukman, qizimni saharlari uyg'otmang.

Muallif: — Yana ko'zini yumdi, shu yumgancha qaytib ochmadi, saharga borib uzildi. Sotiboldi qizchasini o'lik yonidan olib, uyg'otmoqchi bo'ldi (qizcha uyg'onib ketib, shosha-pisha ko'zini ochmasdan):

— Xudoyo, ayamdi daydiga davo beygin...

Sahna tugaydi. Qatnashchilar o'z joylarini egallaydilar. Shundan so'ng bahs-munozara boshlanadi.

1-savol: — Sotiboldi xotinini tuzatish uchun qanday yo'llar axtardi?:

— O'qitdi;

— tabibga qon oldirdi;

— o'qiydigan xotin olib kelib dam soldirdi;

— Bahouddin va G'avsul A'zamga atab nazr qildi;

— gadoylarga sadaqa berdi;

— saharlari yosh qizchasini uyg'otib duo qildirdi;

— chilyosin qildirdi.

2-savol: — Nima uchun Sotiboldi doktorga murojaat qilmadi.

— Qurbi yetmasdi, zo'r-bazo'r kun kechirishardi;

— Nainki Sotiboldi, hatto xo'jayini Abdug'aniboy ham o'sha doktorxonaga bormay, Farg'onaga ketgan edi.

3-savol: — Kampir bemorning u yoq-bu yog'ini tuzatgandan so'ng o'tirib yig'ladi, sababi nima deb o'ylaysiz?

— Chorasizlikdan;

— hech bir tadbir yordam bermayotganidan;

— ayolning kundan-kun og'irlashayotganidan;

— kambag'alning qo'li qisqaligidan;

— qolaversa, turmushning og'irligidan.

4-savol: — Ona qizchasini saharlari uyg'otmaslikni so'radi. Chindan ham tuzalganmidi? Fikringiz?

— Bu narsalar befoyda ekanini sezgan;

— ortiqcha bezovta qilmaslik uchun;

— bu kasalning o'zigagina ma'lum sir bo'lishi kerak;

— shuncha muolajadan so'ng bemor tuzalmayotganini his qilgan;

—buvilarimdan eshitganim bor: "chilyosin" o'qilganda kasal yo tuzalgan, yo uzilgan. Demak, onada qandaydir bir ichki sezgi bo'lgan.

O'qituvchi: — Ha, ona o'z holatini nozik bir ichki sezgilar bilan his qilgan, desak bo'ladi. Uning oxirgi so'zlarini, demak, "vidolashuv" desak ham bo'ladi.

5-savol: — Sotiboldi sizning nazaringizda qanday odam?

— Mehribon, g'amxo'r.

O'qituvchi: — Nima uchun?

— Dardning davosini topish uchun yelib-yuguradi, hatto bemorning yonidan jilmaslik uchun xonaki ish topadi;

— mehnatkash — erinmasdan ertadan-kechgacha savatlar to'qiydi;

— andishali — xo'jayinining oldiga borganda yordam so'rashga mulohaza qiladi;

— ozgina qahrli ham — qizi uyg'onmaganda g'azab qiladi;

— jonkuyar — bemor har ingraganda chakkasiga burov solgandek talvasaga tushadi.

6-savol: — Sotiboldining boshiga tushgan baxtsizlikning asl sababi nimada deb o'ylaysiz?

— Kambag'al, nochorligida;

— insonni shunchalar xor qilgan, tilsiz zaif, nochor kimsaga aylantirgan jamiyatda.

7-savol: — Gadoy timsolining kiritilishi asarda qanday ahamiyatga ega?

— Oila boshiga tushgan baxtsizlikni bo'rttirib ko'rsatadi;

— bir yoqda pashshaning g'ing'illashi, bemorning inqillashi o'quvchida og'ir taassurot qoldiradi. Uning ustiga go'riston sukunatiga o'xshash sovuq bir jimlik olib kiruvchi gadoy tovushining kelishi yurakni ezib yuboradi.

8-savol: — Sotiboldi oilasi boshiga tushgan fojeaning eng katta dahshati nimadan iborat?

— 4 yashar qizchaning qilgan duosida, chunki Sotiboldi boshini har tomonga urdi, lekin qo'lidan hech narsa kelmadi va oxir-oqibat kichkina qizchaning duosi ijobat bo'ladi, deya ko'z tikdi.

O'qituvchi: — Sotiboldilar oilasi boshiga tushgan baxtsizlikning dahshati ana shu bir og'iz jumlada namoyon bo'ladi: "Xudoyo, ayamdi daydiga davo beygin..."

Asar ham shu so'zlar bilan poyoniga yetadi. Biz asarni o'qib tugatar ekanmiz, bu so'zlar faqat go'dak qalbidan otilib chiqqan nido, iltijo emas, balki insonni xor va zabun qilgan tengsizlik dunyosiga qarshi yurak qa'ridan otilib chiqqan la'natday bo'lib yangraydi.

O'quvchilar asarning boy tili haqida gapiradilar. Har bir personajning o'ziga xos tili bor ekanligiga misollar keltiradilar.

Dars yakunlanadi: Aziz o'quvchilar, mana siz o'tmishni aks ettiruvchi asarlar turkumidan "Bemor" bilan tanishib chiqdingiz. O'tmishda ayollar ro'zg'ordagi oxirgi nasibasini "bolam yesin" deb, o'zi yemay yedirgan, kiymay-kiydirgan. Ayniqsa, yo'qchilik paytlarida bundanda, og'irroq bo'lgan. Sotiboldining xotini ham ana shu ayollarning bittasi. Asarni o'qib tugatar ekansiz, o'ziga xos taassurot oldingiz. Yaxshi asarlar hamisha sizning hamrohingiz bo'lsin, ular doim sizni yaxshilik va ezgulikka yetaklaydi, deya darsimni tugataman.

Marg'uba ISOMIDDINOVA,
Toshkent shahar A.Ikromov tumanidagi 106-maktabning ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi

ТРЕНЕРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҚИЗҒИН ТУС ОЛДИ

Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусида маъруза қилган эди.

Маърузада истиқлолнинг дастлабки йилларидан то шу кунгача сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг бориши, белгилаб олинган тараққиётимизнинг беш тамойили асосида бозор муносабатларига ўтишнинг халқимиз ва жамоатчилигимиз томонидан қўллаб-қувватланиб келинаётганини баён этиш билан бирга, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлида олиб борилаётган ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Ушбу устувор йўналишларни жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларига, шу жумладан халқ таълими тизимига ҳам самарали жорий этишнинг муайян йўл-йўриқлари Президентнинг шу йил 30 сентябрдаги Ф-1636 сонли Фармойишида ва шу ҳужжат билан тасдиқланган Дастурда аниқ-равшан кўрсатилган.

Фармойиш ижроси тўғрисида ХТВнинг қарорига асосан А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, институт жамоаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига келган раҳбар ходимлар учун маърузани ўрганиш бўйича махсус 6 соатлик ўқув машғулотлари дастурини ишлаб чиқди, улар ҳудудлардаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларига етказилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Шунингдек, юртбошимиз маърузасида белгиланган устувор йўналишларни таълим муассасаларида амалга ошириш Дастурига мувофиқ тадбирлар, хусусан вилоят Методика(таълим) марказлари ходимлари, Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ходимлари, новатор ўқитувчилар, методистлардан тренерлар тайёрлаш бўйича ишлар қизғин тус олди. ХТВнинг Ҳайъат мажлисида белгиланган

Jarayon

мазкур тадбирлар 4 босқичда амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, 1-босқичда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузаси бўйича Республика миқёсида тренерлар тайёрлаш (ҳар бир институтдан, Методика (таълим) марказидан малака ошириш институтидан бир нафардан), 2-босқичда маъруза бўйича туман(шаҳар)ларда ўқитувчилар малакасини ошириш учун ҳар бир туман (шаҳар) ХТБларидан 2 нафардан вилоят бўйича тренерлар тайёрлаш, 3-босқичда туман(шаҳар) ХТБлари қошидаги методик кабинетларда ҳар бир мактабдан 2 нафардан ўқитувчини жалб қилган ҳолда Президент маърузаси бўйича таълим муассаларида бир ҳафталик ўқув курсини ташкил этиш ва ниҳоят 4-босқичда таянч таълим муассасаларида тренинглар ўтказиш каби амалий тадбирлар кўзда тутилган.

–Яқинда 1-босқичда белгиланган вазифалар, ташкилий ишларни ижобий тарзда ниҳоясига етказдик. Институтимизда Президент И.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгиланган вазифалар моҳияти ҳақида 3 кунлик семинар ўтказилди. Республика Миллий мафкура илмий-тарғибот маркази, Президент девони вакиллари юртимизнинг таниқли ёзувчилари ҳамда институтимиз профессор-ўқитувчилари иштирокида ўтган давра суҳбатлари натижасида 26 нафар тренер тайёрланиб, улар ўз билимларини янада бойитдилар,–дейди А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИнинг маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректори Собир Зияев.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг иккинчи ҳайъат мажлисида белгиланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" курси бўйича таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш юзасидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 1-босқичда бажарилиши кўзда тутилган "Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар" курси бўйича умумий ўрта таълим мактабларининг X-XI синфлари учун ўтиш босқичига мўлжалланган тажриба ўқув дастури асосида ХТХҚТМОМИда мақсадли муаллифлик курси ташкил этилди. Курс битирувчилари институт сертификатига эга бўлишди.

– Биз мазкур курс бўйича тренерлар тайёрлаш ишига қаттиқ бел боғладик. Ҳозир институтимизда бу борада олдиндан тузилган режалар, дастур ва жадваллар асосида машғулотлар якунланди,–дейди институт "Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари" кафедраси мудири Н.Ремеев.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Маърифат" мухбири

ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ ТАЪСИРИГА ЧИЗГИЛАР

8-мақола

МАХСУС ТАЪЛИМДА ШАХС ТАРБИЯСИ

Инсонларнинг табиатан туғма номукаммалликлари, жисмларидаги камчиликлари, баъзан эса ақлий нотекисликлари билиб бўлмас даражаларда бўладики, уларнинг тарбиялари ҳам албатта мана шу нотекисликларини инобатга олган ҳолда ташкил қилиниши шарт.

Тўғри, бола ёшлигида унинг жисмий камчиликлари ота-она томонидан дарҳол инобатга олинади. Шунда ҳам кўпгина ота-она томонидан, агар улар маълум жиҳатдан маълумотли, тарбияга алоқадор мутахассислар бўлмаса, жисмоний ёки руҳий ногирон боланинг тарбиясини ташкил қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилади.

Шахс асосий тарбияни ўз оиласида олар экан, унинг жисмоний камчиликлари туғилган кунидан эътиборан шахснинг онгига сингдирилади. Бу албатта, табиий ҳол. Аммо, шундай жисмоний камчиликлар бўладики, шахс уни қабул қилолмайди.

Инсондаги жисмоний ва руҳий камчиликларни шартли равишда учга бўлиш мумкин. Биринчиси— инсоннинг жисмидаги камчиликлар, бирор оёқ ёки қўлнинг қийшиқлиги, бурун, қулоқ ва бошқа бирор аъзосининг нуқсонлари, умуман, ташқи қиёфадаги камчиликлар. Айтайлик, қиз боланинг юзидаги катта қора доғ. Бундай камчиликлар инсоннинг руҳига у ўсиб вояга етган сари салбий таъсир қилиб боради. Аммо, бундай камчиликларга ногирон инсон деярли кўникиб кетади.

Иккинчи гуруҳдаги ногиронликларга шахсда учрайдиган жисмоний ва бир қадар руҳга боғлиқ нуқсонларни киритсак, уларнинг шаклий кўринишини белгилаган бўламиз. Булар соқовлик, дудуқлик, дальтонизм-рангфарқламаслик, қисман қулоқ оғирлиги ва шунга ўхшаш ногиронликлардир.

Шахс барибир бундай жисмоний камчиликлари билан ҳам жамиятда ўз ўрнини топаверади. Ён— атрофдагилар бу шахс бирон нарсани гапиргунча унинг дудуқлигини сезмайди. Аммо, дудуқлик аён бўлгандан бошлаб шахс нотаниш мулоқот муҳитида ўзини биринчи бор ўта ҳаяжонда сезади. Айни шу нотаниш муҳит туфайли у ҳаяжонланади ва дудуқлиги анча ошади. Ён-атрофдагилар шахсдаги бу нуқсонни қанчалик табиий қабул қилса, ногирон шахс атроф-муҳитга шунчалик силлиқ ва енгил киришади.

Ногиронликларнинг энг оғир, жиддий ижтимоий ноқулайликлар туғдирадиган гуруҳи учинчи гуруҳ бўлиб, уларда учрайдиган камчиликлар руҳий, онг, ақл заифликлари билан боғлиқ. Айни шулар тўғрисида гап кетганда, она табиатнинг донолигига қойил қолмасдан илож йўқ. Яъни, бундайлар ўзларининг бошқалардан "жиддий фарқ" қилишларини, кўп ҳолларда билишмайди. Аммо, ён-атрофдагиларнинг айни уларга бўлган муомаласидан кўп ҳолларда ушбу жамиятнинг маънавий бойлиги, ҳеч бўлмаганда тарбиялилик даражасини билса бўлади.

Табиатан ногирон инсонларга биз соғломларнинг муомала ва мулоқоти қандай бўлиши уларга нисбатан қўлланиладиган тарбия асосини аниқлайди. Асосий ҳолларда ёнимиздаги ногирон шахсни ногиронлиги учун камситмасак, уларда ўз жисмоний, руҳий ва ақлий камчиликларига керагидан ортиқ эътибор бермаслик, ўз ногиронлигидан қийинмаслик, руҳан эзилмаслик шаклланиб боради.

Шу ўринда XX-аср охирларига келиб Ғарбда эришилган интеграцион тарбия, жамиятнинг ногиронларга бўлган муомала маданияти, уларга нисбатан кўрсатаётган ғамхўрликлари жуда-жуда эътиборга моликдир.

Айтиш лозимки, охирги пайтларда бизда ҳам интеграцион таълим-тарбия ҳақида анчагина фикрлар билдирилмоқда. Интеграцион тарбия ўта олқишга сазовор тарбиядир.

Аммо уни фақат таълим-тарбия жараёни деб ҳам тушунмаслик керак. Бу ҳол айниқса биз кўрсатиб ўтган учинчи гуруҳ учун алоҳида ўрин тутади.

Ногирон шахсларни ҳаётга тайёрлаш жараёнида уларнинг ногиронлик хусусиятларини инобатга олмаслик мумкин эмаслиги ҳаммамизга маълум. Шундай экан, интеграцион таълим-тарбия асосан биринчи, иккинчи ногиронлик белгилари бор шахслар орасида яхши натижа беришини унутмаслик керак. Айниқса, кўпроқ эътибор берадиган томон шундаки, ногиронларни ён-атрофга мослаштиришга куч бериш эмас, ён-атрофнинг уларга эътиборини кучайтириш лозим. Маълум маънода ногироннинг у ёки бу камчилигига иллат сифатида қарамасликка ўргатиш айнан мана шу интеграцион тарбиянинг мағзи бўлмоғи керак. Ногиронлик шахс руҳига қанчалик сингган ёки ногирон шахс ўз ҳолатига қанчалик кўниккан бўлмасин, шахснинг алоҳида ўтиш даврлари бўладики, у айни шу даврларда чуқур руҳий изтироб чекади.

Ногиронларнинг бундай руҳий қийналиш даври 3-4 ёшларда биринчи бор ҳаяжонли ҳис қилиш билан чекланади. Шахс бу даврда ўзининг бошқалардан "мана шу" томони билан фарқ қилишини англаб етадию қаттиқ азият чекмайди. Иккинчи бир руҳий азоб анча чуқурлашиб, ўспиринликка ўтиш пайти намоён бўлади. Бу даврда ногирон шахс ўз ногиронлигини қисман бўлса ҳам енгилроқ, ҳали олдиндаги ҳаётнинг бутун ранго-ранглигида тасаввур қилолмайди.

Ногиронликни энг оғир ҳис қиладиган давр, шахс учун балоғат ёшига ўтиш пайтига тўғри келади. Руҳшуносларнинг таҳлилларига қараганда, ҳатто соғлом ёшлар бу пайтда одатда ўз жисмларида турли хилдаги камчиликларни, ҳатто йўқ камчиликларни "ихтиро" қилишгача бориб етишади. Айни ҳолда шахс жисмида ногиронлик бор экан, бу ҳолат шахс учун катта ички кечинмаларга олиб келади.

Шундай экан, ногирон ёшларнинг атрофидаги тарбиявий муҳит ҳамма вақт ҳам яхши, мўътадил бўлиши билан бир вақтда, айниқса, ўтиш даврида алоҳида эътиборда бўлиб катталарнинг назаридан четда қолмаслиги керак.

Ногирон болалар тарбиясида алоҳида эътибор берадиган яна бир томон шундаки, бу она табиатнинг сахийлиги билан боғлиқ бўлган ҳол, яъни бундай шахсларда бирон камчилик иккинчи бир фазилатнинг кучлироқ намоён бўлишидир. Кўзи заифларда эшитишнинг кучли бўлиши, бирон бир жисмоний камчилиги бор шахсларда тиришқоқликнинг кучли бўлиши ва бошқалар. Демак, айни шу ҳолат ногирон болаларни тарбия қилишда кўздан қочирилмаса, улардаги ҳаётий камчилик ўз ўрнида бошқа томон билан тўлдирилади. Айни шу ҳолни уларнинг тарбиясида кенгроқ қўлланса яхши натижаларга эришилади.

Оддий бир мисол келтирайлик. Тилшунослик соҳасида катта ютуқларга эришган, ўн олти тилни биладиган профессор амалий машғулотларни яхши ўтказар эди. Аммо, тилида нуқсони бор бўлиб, ҳаяжонланганида анча дудуқлангани учун лекцияларни унчалик юқори савияда ўта олмасди. Бу мисол билан айтмоқчимизки, ногирон шахсларнинг қайси меҳнатга қобилиятлари кучли бўлса ўша фаолият билан кенгроқ шуғулланишга шароит яратиш уларнинг таълим-тарбиясида асосий ўрин тутмоғи керак.

Учинчи гуруҳдаги ногирон болаларнинг тарбия жараёни анча қийин кечади. Ваҳоланки, уларнинг хатти-ҳаракатига адекват мутаносиб тарбиявий тадбир топиб қўллаш мутахассис бўлмаган тарбиячиларга тарбия жараёнини жиддий машаққатга айлантириб қўйиши мумкин.

Масалан, ақлий хусусиятида жиззакилик, чайирлик, хархашага мойиллик бор ногиронга бирор ахлоқ ёки одоб нормаларини сингдириш у ёқда турсин, айтишнинг ўзи жиддий жанжалга, хархашага олиб келиши мумкин. Одатда, бундай хусусиятли шахслар ўз қуввайи ҳофизасидаги нуқсонни билмаган ҳолда одамларнинг назарида, гуруҳнинг диққат марказида бўлишни яхши кўради. Демак, уларнинг хатти-ҳаракатида чапанилик, мақтанчоқлик, воқеа ва нарсаларни силлиқлаштириш, бўрттиришга мойиллик кучли бўлади. Айни шу ҳаракатлари билан улар ўз шахсларини биринчи ўринга кўтариб кўрсатишга доим уриниб юришади. Ақлий жиҳатдан бошқалардан устун бўлмаслигига қарамасдан тенгдошлари устидан ҳукмронлик қилиш, уларга буйруқ беришни ёқтиради. Натижада улар орасида кўпгина жанжаллар, норизоликлар хулқ, ахлоқ ва характерларининг номутаносиблигидан келиб чиқади.

Айни шу ҳолларни инобатга олган ҳолда интеграцион йўналишда эмас, дифференциялашган ҳолда учинчи гуруҳ болалари ва соғлом болалар тарбияси олиб борилгани маъқул. Демак, бу жойда биз кўрсатиб ўтган ногиронликнинг ўзини уч гуруҳга ажратиш ва 1-2-гуруҳ ногиронларни иложи борича соғлом болалар билан яқинлаштириб тарбия жараёнини уюштириш жамиятни соғломлаштиради, деган хулосага олиб келади. Бу ўринда Ғарб тарбия жараёни айни шу йўналишда бораётганлигини кўрамиз.

Маълумки, шахс онгига алоқадор ногиронлик мавжудлиги таълим борасида соғлом болалар билан бир хил қобилиятга эга бўлишга йўл қўймайди. Демак, бундай ҳол соғлом болаларнинг таълимида ногиронлардан ўзиб кетиши ва ногирон боланинг бутун синфни орқага тортишига олиб келиши аниқ.

Аммо, Оллоҳ яратган шахс табиатан мўъжиза деб топилиши, жамият томонидан унинг қалбига йўл топилиши ва айниқса, бундай шахсларнинг жамиятдан четда қолмаслиги муҳим эътиборга лойиқ.

Ва айниқса, жамият ўз орасидан ҳеч бир ногиронни сиқиб чиқармаслиги керак. Уларнинг тарбиясини тўғри ташкил қилиш ва айнан шуларга бўлган муомалага қараб ҳар қандай жамиятнинг соғломлигини баҳоласа бўлади.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

Кўмита таркиби маҳаллада обрў-эътиборли, фарзандлари таълим-тарбияда тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлаётган кишилар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, участка милиция нозири ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Бир ёки бир неча фанлардан имтиҳон топшира олмаган экстернларга, шу фанлардан келуси йили қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларидан келиб чиққан ҳолда Республикада умумий ўрта таълимни ривожлантиришга оид бир қанча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва бугунги кунда улардан самарали фойдаланилмоқда. Давр талабига биноан бу йўналишдаги ишларни давом эттириб, умумтаълим мактаблари раҳбарлари, ўқитувчи ва синф раҳбарларининг кундалик фаолияти учун зарур бўлган бир қанча меъёрий ҳужжатларни янгидан ёки янги тахрирда ишлаб чиқиш тақозо этилмоқда. Шуларни инобатга олиб Халқ таълими вазирлиги "Умумий ўрта таълим мактаблари ота-оналар қўмитаси тўғрисида Низом", "Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш ҳақида мувақкат Низом", "Экстернат тўғрисида Низом", "Экстернат йўли билан аттестацияларни ташкил этиш тартиби" (1, 2, 3 ва 4-иловалар) лойиҳалари тайёрланди.

Газетанинг бугунги сонида мазкур янги тахрирдаги ҳужжатларнинг "Умумий ўрта таълим мактаблари ота-оналар кўмтаси тўғрисида Низом", "Экстернат тўғрисида Низом" ва "Экстернат йўли билан аттестацияларни ташкил этиш тартиби" эътиборингизга ҳавола этилмоқда (қолганлари билан газетамизнинг навбатдаги сонида танишишингиз мумкин).

Мазкур ҳужжатларни малакали амалиётчи мутахассислари жалб этган ҳолда муҳокама этиб таклиф ва мулоҳазаларингизни жорий йилнинг 25 декабригача Халқ таълими вазирлигининг Умумий ўрта таълим Бош бошқармасига юборишингизни сўраймиз.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ОТА-ОНАЛАР ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

I.Умумий қоидалар.

1. Умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида Низом" ва мактаб Устави талабларига кўра 9 йиллик умумий мажбурий таълимнинг бажарилишини назорат қилиш ва таълим мазмуни билан шуғулланиш;

ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларига ўқмаклашиш;

маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишлар;

тарбияси оғир болалар ва уларнинг ота-оналари билан ишлаш, ота-оналар учун оила тарбиясига оид лекциялар, ўзаро тажриба алмашиш юзасидан суҳбатлар ташкил этиш;

оммавий-маданий ва спорт тадбирлари, ҳашар, учрашувлар, турли кечалар ўтказиш;

таълимнинг моддий базасини яхшилаш;

мактабда ўқувчилар овқатланишини ташкил этиш;

етим, боқувчисини йўқотган болалар, кам таъминланган оила фарзандларини давлат томонидан бериладиган турли имтиёзлардан фойдаланишини ташкил этиш;

мактабнинг давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш.

интернат типидаги мактабларда эса тарбиянавчилар учун маиший шароитлар яратилишини назорат қилиш.

2. Умумий ўрта йиғилишини икки ойда бир марта ўтказади, мактаб раҳбарияти билан келишилган ҳолда муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун ҳар ярим йилда (синф ота-оналарининг умумий йиғилиши ҳақи чорак якунида) бир марта умумий ота-оналар йиғилишини ўтказади. Қўмита таркибидаги ўзгаришлар, иш режасига киритилган қўшимчалар қўмита аъзоларининг умумий йиғилишларида тасдиқланади.

5. Мактаб ота-оналар қўмитаси, унинг президиуми ва синф ота-оналар қўмитаси ўз йиғилишларида аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этгандагина қарор қабул қилиши мумкин ва бу қарорларнинг ижроси бошқа аъзоларга ҳам мажбуридир.

6. Мактабнинг умумий ота-оналар йиғилишида мактаб директорининг, синф ота-оналар йиғилишида синф раҳбарининг иштирок этиши шарт. Айрим масалаларда ота-оналар қўмитаси билан мактаб директори ўртасида баҳс ва келишмовчиликлар юзага келса, уни туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳал этиб берадилар.

7. Қайта сайлов ўтказилиши кўзда тутилган ота- оналарнинг умумий йиғилишида қўмита раиси қўмитанинг бир йиллик иш фаолияти натижалари юзасидан ҳисобот беради. Синфда шундай йиллик ҳисобот синф ота-оналар қўмитаси раиси томонидан берилади.

8. Ота-оналар қўмитаси, унинг президиуми ва синф ота-оналар қўмиталарининг иш фаолиятини назорат қилиш ҳамда мажлисида баённома ва қарорлар ёзилиб, мактабнинг иш юритиш ҳужжатлари билан бирга сақланади.

9. Таълимни бошқариш бўлими ваколатли давлат органлари мактаб фаолиятини назорат қилиш вақтида мактаб ота-оналар қўмитасининг фаолияти билан ҳам танишадилар ва унинг иш самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берадилар.

III. Қўмита ёки қўмита президиумининг вазифалари.

1. Қўмита ёки қўмита президиуми таълим муассасасидаги барча синф ота-оналар қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштириб боради, ҳар чорак якунида уларнинг иш режасига шўҳбаларининг ҳисоботларини эшитади.

2. Мактаб "Василлик кенгаши" фаолиятига ёрдам беради.

3. Мактабда у ёки бу фанни чуқурлаштирилган дастур асосида ўргатиш масаласида, ўқув режаларининг бажарилиши, Давлат таълим стандартлари талаблари асосида таълимнинг ташкил этилишига тўсиқ бўлаётган масалаларни ҳал этишда мактаб раҳбариятига таклифлар беради.

4. I-синф ўқувчиларини мактаб ҳаётига қўниктириш ҳамда ўқувчиларни касб таниш масалаларида ота-оналар билан иш олиб боради.

5. Мактабда ва оилаларда ўқувчиларнинг ижтиҳонларга, якуний аттестацияларга тайёрланишлари учун шарт-шароитлар яратилишини назоратга олади, бу ишларни тўғри ташкил этишда мактаб ва ота-оналарга кўмаклашади.

6. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, мактаб ҳамда синф кутубхонаси фондини бойитиб боришга ёрдам беради;

7. Пуллик таълим ва ишлаб чиқариш хизмати кўрсатилишини йўлга қўйиш, бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топишда мактаб ва ота-оналарга кўмаклашади.

6. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, мактаб ҳамда синф кутубхонаси фондини бойитиб боришга ёрдам беради;

7. Пуллик таълим ва ишлаб чиқариш хизмати кўрсатилишини йўлга қўйиш, бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топишда мактаб ва ота-оналарга кўмаклашади.

8. Оилавий таълимни йўлга қўйиш устидан назорат юритишда, ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини ҳимоя қилишда, ўқувчиларнинг бўш вақтларини ҳамда мактабдаги меҳр-мурувват ишларини ташкил қилишда мактабга ёрдам беради.

9. Ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлашга ғамхўрлик қилади, мактабда санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиниши, ўқувчилар овқатланишини ташкил этилишини назорат қилади.

10. Таълим муассасасини янги ўқув йилига тайёрлашга ҳар томонлама ёрдам беради.

11. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташхис мактаблари ҳулосаларини турмушга татбиқ этиш (касаллиги аниқланган болаларни даволатиш, 9-синфдан кейин касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тавсия олган ўқувчиларни ўқув муассасаларига боришлари устидан назорат юритиш) га кўмаклашади, ушбу масалаларда ота-оналарга мутахассислар томонидан маслаҳатлар берилишини ташкил этади.

12. Ёш ота-оналарга бола тарбиясида ёрдам кўрсатади, мактаб педагогик жамоаси билан ҳамкорликда бола-таълим-тарбиясида ўқувчи учун педагогикага доир турли курслар, маъруза ва суҳбатларни ташкил этади.

13. Ўқувчиларни турли зарарли одатлардан муҳофаза этиш, улар ўртасида қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида синф раҳбарлари, мактаб психологи ва маъмурияти билан ҳамкорликда профилактик ишлар олиб боради.

14. Зарур ҳолларда мактабда ва мактаб микроайонида ота-оналарнинг навбатчилигини ташкил этади.

IV. Ота-оналар қўмитаси, унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари.

1. Мактаб ота-оналар қўмитаси раиси мактаб педагогика кенгашининг аъзоси сифатида кенгаш кун тартибига қўйилган масалани муҳокама этишда ота-оналар номидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён эта олади.

2. Мактаб директори ёки педагогика кенгашига мактабни бошқаришни такомиллаштириш, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш, мактаб моддий базасини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини оғзаки ёки ёзма тартибда баён этади.

3. Фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари ўтаётган дарслар, тўгарак машғулотлари, синф соатлари ва тарбиявий соатларни кузатади, зарур ҳолларда мактаб раҳбариятига таклифлар киритади.

4. Мактаб моддий базасини мустаҳкамлаш, таъмирлаш ишларига ёрдам бериш бўйича ота-оналар мажлисини чақириб ва унда мустақил қарорлар қабул қилади. Ўқувчилар билан амалга ошириладиган оммавий-маданий ва спорт тадбирларига ота-оналардан маблағ йиғиш фақат ота-оналар қўмитаси қарори орқали амалга оширилади, тўпланган ҳар қандай маблағ қўмита аъзоларидан иборат комиссия томонидангина сарфланиши мумкин. Шу билан бирга қўмита раиси мактаб директоридан мактаб ҳисобига тушган бюджетдан ташқари маблағларнинг миқдори, уларнинг ҳар мақсадларда ишлатилгани ҳақида мактаб педагогика кенгаши ёки ота-оналар қўмитаси йиғилишида ҳисобот беришини талаб қилишга ҳақли.

5. Мактаб ва синф ота-оналар қўмитасининг аъзолари етим, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳамда кам таъминланган оилаларнинг болаларига ҳукумат қарорлари билан бериладиган дарсликлар, ўқув анжомлари, иссиқ кийим - бошни топишиш мақсадида мактабда ва ҳар бир синфда тузилган комиссия таркибига киритилади.

6. Мактабда фанларни бўш ўзлаштираётган ҳамда тарбияси оғир ўқувчиларнинг шундай қўрсатқич бераётганига сабаб бўлаётган асосий омиллар;

уларнинг уй шароитлари, ўрток-лари ва ўқитгари;

дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланишиши;

жисмоний ва руҳий ривожланиши;

ота-оналарнинг бола тарбиясида ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишлари;

Ўқитувчиларнинг бундай болалар билан қўшимча ишлаши ва уларга эътибори;

синфдан ва мактабдан ташқари ишларга уларнинг жалб этилиши ва иштирокини ўрганади, аҳволни яхшилаш юзасидан чоралар қўрилишини мактаб маъмуриятидан, ота-оналардан талаб қилади. Зарур ҳолларда маҳалла, таълимни бошқарув ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳокимиятлар қошидаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия"ларга мурожаат билан чиқади.

7. Мактабдаги иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш учун шарт-шароитлар яратилишини, уларнинг танловлар, мусобақалар ва олимпиадалардаги иштирокини мунтазам кузатиб боради, зарур ҳолларда иқтисосластирилган синфлар, тўгараклар ташкил этилишини, мактаб ва синфлардаги кутубхона фондини бойитиш, истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш учун зарур чоралар қўрилишини мактаб маъмуриятидан талаб қилади, бу ишларни ташкил этишда ёрдам беради.

8. Мактаб маъмурияти мактаб ота-оналар қўмитаси ёки унинг президуми самарали ишлаши учун мактаб шароитидан келиб чиққан ҳолда алоҳида хона ажратиб беришга масъулдир.

I. Умумий қоидалар.

1. Мактаб Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида Низом"да, амалдаги меҳёрий ҳужжатларда кўзда тутилган экстернат шаклида умумий ўрта таълим олиш тартибини белгилайди.

2. Экстернат - экстерн томонидан умумий таълимни амалдаги ўқув дастурлари асосида умумий ўрта таълим мактабида, оилада ёки мустақил ўрганиб, шу асосда давлат аттестациясидан ўтган, аккредитация қилинган умумий ўрта таълим муассасасида оралиқ ҳамда якуний аттестациядан ўтишни билдиради.

3. Экстерн - умумий ўрта таълим ўқув дастурларини оилада ёки мустақил ўрганиб, аккредитация қилинган умумий таълим мактабида оралиқ ва якуний аттестациялардан ўтиш имконияти берилган шахсдир.

Экстернинг ёши чегаланмайди. Мактаб ёшидан катта ёшдаги экстернлар учун оралиқ аттестациядан ўтказилмайди.

4. Аккредитация қилинган умумий ўрта таълим мактабларининг қундузги шаклида таълим олаётган ўқувчилар ҳам мазкур таълим муассасасида бошланғич ва умумий ўрта таълим боскичининг барча фанлари ёки алоҳида фанлар бўйича экстерн сифатида аттестациядан ўтиш ҳуқуқига эгадир.

5. Экстернат шаклида бошланғич, умумий ўрта таълим ўқув дастурлари бўйича аттестациядан ўтиш давлат таълим стандартлари ва амалдаги ўқув дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Мактаб ёшидан катта ёшдаги экстернларни якуний аттестациядан ўтказадиган умумий ўрта таълим мактабини белгилаш ва тасдиқлаш учун вилоят халқ таълими бошқармасига тавсия этиш, унинг фаолиятини молиялаштириш туман, шаҳар халқ таълими бўлими томонидан амалга оширилади.

7. Шу мақсадда белгиланган таълим муассасасига экстернларнинг хоҳишларига кўра уларга шартнома асосида кўшимча пуллик (қўшимча дарс, консультация, репетиторлик) таълим хизматлари кўрсатиш учун рухсат берилади.

II. Экстернат шаклида умумий таълим олиш тартиби, кундузги ва экстернат шаклидаги таълимни бирга кўшиб олиб бориш

1. Оралиқ ёки якуний аттестациядан ўтиш ҳақидаги аризаларни умумий ўрта таълим муассасаси директорига балоғат ёшидаги фуқароларнинг шахсан ўзлари, балоғатга етмаган ёшлар учун аризаларни эса уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари топширадилар.

Умумий ўрта таълим муассасасининг қундузги шаклида таълим олаётган ёки мактабга бириктирилган ҳолда оилада, мустақил таълим олаётган балоғат ёшига етмаган экстернинг умумий таълим дастурининг алоҳида фанлар, умумий бошланғич, умумий ўрта маълумот олиш бўйича оралиқ ёки якуний аттестациядан ўтиши тўғрисидаги аризани унинг номидан ота-онаси ёки қонуний вакиллари фарзанди ўқиётган ёки бириктирилган мактаб директорига топширади.

2. Ариза билан бирга экстернинг умумий таълим дастуларини оилада ёки мустақил тарзда эгаллаганлигини тасдиқловчи, шунингдек, оралиқ аттестациядан ўтганлиги ҳақидаги маълумотнома (баҳолари қўйилган ҳужжат) кўшиб топширилади.

Бундан ташқари экстернинг хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида ўқиганлиги ҳақидаги ҳужжатлари ҳам топширилиши мумкин.

3. Оралиқ аттестациядан ўтиш - бўйича аризалар бериш муддатини умумий таълим муассасаси белгилайди. Якуний аттестациядан ўтиш бўйича аризалар эса ҳар йили 15 мартгача топширилиши керак.

4. Оралиқ ёки якуний аттестациядан экстерн сифатида ўтиш тўғрисидаги аризани қайдга қилиш пайтида умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарияти экстернни, шунингдек, балоғатга етмаган экстернларнинг ота-оналари ёки қонуний вакилларини мазкур Низом, умумий ўрта таълим муассасасининг Устави, "Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиблари ва якуний аттестациядан ўтказиш бўйича йўриқнома", "Экстернат йўли билан аттестацияларни ташкил этиш тартиби" ҳамда фанлар бўйича ўқув дастурларининг ҳажми билан таништириши шарт.

5. Экстерн қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳар бир имтиҳон олдидан камида икки ўқув соати ҳажмида белгил консультация олиш;

умумий ўрта таълим муассасаси кутубхонасидаги ўқув адабиётларидан фойдаланиш;

лаборатория ва амалий машғулотларга қатнашиш;

турли олимпиадалар, танловлар, марҳалаштирилган тест имтиҳонларига қатнашиш.

6. Ўзари сабабларга кўра оралиқ ёки якуний аттестацияларга келолмаган шунингдек якуний аттестациядан ўта олмаган экстернлар ушбу Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган тартибда аттестациядан қайта ўтиш ҳуқуқига эгадир.

7. Мактабда ўқиб тугган экстернлар экстернат бўйича оралиқ ёки якуний аттестациядан ўта олмаган тақдирда ўқув дастурларини ўрганишни (ўқишни) ўрнатилган тартибда ўз мактабларида давом эттираверадилар.

8. Синфдан-синфга муддатидан аввал кўчиш (сакраш) мақсадида оралиқ аттестацияларга кўпилган, аммо имтиҳонлардан ўта олмаган экстернлар иккинчи марта имтиҳон топшириш истагини билдирган тақдирда уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари имтиҳонларни ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатларни тўлигича мактабнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказишлари керак.

9. Мактабда ўқиётган ёки унинг ҳисобида турган экстернларга уларнинг жисмоний ва руҳий ривожланиши ҳамда имконияти-ларни ҳисобга олиб, бир ўқув йилида фақат бир ёки икки синф ҳажмидаги ўқув дастурларини мустақил ўрганиш ҳамда шу асосда оралиқ ва якуний имтиҳонларни топширишга рухсат этилади. Бундай ўқувчига икки йил кетма-кет икки синф ҳажмида имтиҳон топшириб, синфдан-синфга кўчиш (сакраш) ҳуқуқи берилмайди.

III. Экстернларнинг аттестацияси

1. Оралиқ аттестациялари ўтказиш шакли, тартиби ва муддатлари умумий ўрта таълим муассасаси томонидан белгиланади ва бу ҳолат унинг уставида ҳам ўз ифодасини топади.

2. Экстернларни якуний аттестациядан ўтказиш "Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиблари ва якуний аттестациядан ўтказиш бўйича йўриқнома" ҳамда "Экстернат йўли билан аттестацияларни ташкил этиш тартиби" асосида амалга оширилади.

3. Оралиқ аттестациядан ўтган экстернларга ўрнатилган тартибда аттестациялардан ўтганлиги ҳақида маълумотнома берилади. Бу ҳужжат экстернинг синфдан-синфга кўчиши (сакраши) учун асос бўлади.

9-11-синф ҳажмида якуний аттестациялардан ўтган экстернларга белгиланган тартибда маълумоти тўғрисида расмий давлат ҳужжати (гувоҳнома ёки аттестат - шаҳодатнома) берилади.

Экстернат тўғрисида

НИЗОМ

Экстернат йўли билан аттестацияларни ташкил этиш ТАРТИБИ

I. АТТЕСТАЦИЯЛАРНИ ЎТКАЗИШ

1. "Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш ҳақида мувақкат Низом" ва "Экстернат тўғрисида Низом"да қайд этилганидек, экстернат шаклида имтиҳон топшириш икки мақсадни:

умумтаълим мактабида ўқиб турган, эркин тингловчи сифатида қатнаётган шунингдек, мактабга қатнамай, уларнинг бирида рўйхатга олинган ўқувчи ўзи ўқиётган синф ҳажмида (масалан, 3-синф) ёки бир вақтнинг ўзида кейинги синф ўқув дастурлари (масалан, 3-4- синф ҳажмида)ни ҳам оилада ва мустақил ўрганган ҳолда синфдан-синфга кўчиш (масалан, 3-синфдан 4-синфга), синфдан-синфга сакраш (масалан, 3-синфдан 5-синфга), шунингдек, 9-11-синфларни тугатиш;

мактаб ёшидан катта ёшдагиларнинг мустақил тайёргарлик билан якуний аттестациядан ўтиб, 9 ёки 11-синфни тугатганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларни олиш мақсадини кўзда тутади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам экстернлар имтиҳонларни топшириш юзасидан ариза ёзадилар. Аризаларни қайси муддатда ва қай тартибда ёзилиши ҳам "Экстернат тўғрисида Низом" да баён этилган.

Оралиқ аттестацияларда экстернинг бир йилда топширадиган имтиҳонлари сони 12 тадан ошмаслиги керак. Оралиқ ва фаннинг тўла курси бўйича якуний аттестациялар бир ўқув йили давомида ўтказилиши мумкин. Бироқ, уларнинг ўтказилиши вақти бир кунга тўғри келиб қолмаслиги лозим. Шу билан бирга ўқувчича икки йил давомида кетма - кет синфдан - синфга "сакраш" учун имтиҳон топширишига рухсат этилмайди. Оралиқ ва фаннинг маълум бир синф ёки синфлар ҳажмидаги аттестациялардан ўтган Экстернга қуйида намунаси кўрсатилаётган шаклда маълумотнома берилади.

Агар ўқувчига "Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш ҳақида мувақкат Низом" нинг 6-бандига мувофиқ рухсат берилиб, 8 ёки 10 -синф ҳажмида оилада ёки мустақил таълим олаётган, шунингдек, таълим олишнинг шу шаклидан фойдаланиб, мактабга доимий қатнаётган бўлса ва 9-11-синфга муддатидан олдин кўчиш(сакраш) учун аттестациядан ўтиш истагини билдирса, мактаб мажмуияти ўқувчи – экстернинг иқтидори, оралиқ аттестациялардаги кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда тегишли туман(шаҳар) халқ таълими бўлимига, халқ таълими бўлимлари эса Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига ўқувчини синфдан-синфга муддатидан олдин кўчириш мумкинлиги ҳақида таклиф берадилар. Бошқармалар таклифларни кўриб чиқиб, "Ўқувчиларни касб ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази"га ўқувчини тестдан ўтказиш ҳақида тавсия этади. Республика ташхис маркази тегишли тест-синовлардан муваффақиятли ўтган ўқувчига синфдан-синфга муддатидан олдин кўчиш (сакраш)га рухсат этиш мумкинлиги ҳақида Халқ таълими вазирлигига тақдимнома киритади. Ўқувчи вазирлик рухсати билангина ўқув йилининг биринчи ярмида тегишли синф ўқув дастурларини ўрганиб, оралиқ аттестациялардан ўтганидан сўнг, январь ойида шу синфнинг тўла курси бўйича якуний аттестациядан ўтиши ва кейинги синфда ўқишни давом эттириши мумкин.

3. Мактаб ёшидан катта ёшдаги экстернлар якуний аттестациялардан тушам, шахар халқ таълими бўлими белгилаган ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан бўйруқ билан тасдиқланган, тажрибали ва малакали педагогик кадрлар билан таъминланган умумий ўрта таълим мактабларида ўтадилар. Бўйруқда бу мактабларга бириктириб қўйилган ҳудудлар ҳам қайд этилиши лозим. Маҳаллий ахборот воситалари орқали ҳар йили 1 февралгача ушбу мактаблар, уларга бириктирилган ҳудудлар, экстернат тартиби тўғрисида аҳолига зарур бўлган барча ахборотлар эълон қилинишин керак.

4. Аризаларни қайд қилиш китобида экстернинг туғилган вақти, паспорт бўйича доимий яшаш жойи кўрсатиб қўйилади.

Экстерн мактабга қуйидаги ҳужжатларни топширади:

мактаб директори номига ариза;

иш жойидан маълумотнома (ишлаётган бўлса);

3х4 ҳажмдаги 2 та фотосурат;

9-синфни тугатганлик ҳақида гувоҳноманинг асли (11-синф ҳажмида имтиҳон топширувчилар)

маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғини маълумотномаси.

паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳноманинг ксеро нусхаси (асли ҳужжатларни топшириш вақтида кўрсатилади)

Мактаб ёшидан катта ёшдаги экстернлар учун 9 – 11-синф ҳажмидаги якуний аттестация Халқ таълими вазирлиги томонидан барча умумтаълим мактабларининг битирувчи синфлари учун белгилаган фанлар бўйича ўқув йили якунида ўтказилади.

5. Умумий ўрта таълим мактабларининг 11 (12)-синфини битирувчиси йиллик ва якуний баҳоларига кўра 3 ва ундан ортиқ фанлар қониқарсиз баҳоланган, такрорий имтиҳонлардан ўтолмаган ва ўқиганлиги ҳақида маълумотнома (справка) олган бўлса, унга мактабни битира олмаган йилдан кейинги йилга фақат қониқарсиз баҳоланган фанлари бўйича экстернат тартибида имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади. Икки ва ундан ортиқ йил ўтгач бундай ўқувчиларга ҳам экстернлар учун белгиланган барча ҳоидалар умумий тарзда амал қилиб, улар имтиҳон учун белгиланган барча фанлардан қайта имтиҳон топширадилар.

6. Экстернат тартибида имтиҳон олиш ҳуқуқи берилган мактабда ўқувчиларнинг имтиҳонга қўйилиши масаласи мактаб педагогика кенгаши томонидан ҳал қилинади. Мактаб педагогика кенгаши қарорида экстернларнинг қайси фанлардан имтиҳон топшириши кўрсатилади ва бу ҳақида ариза берувчига имтиҳонлар бошланишидан камида ўн кун олдин маълум қилинади.

II. ЭКСТЕРНДАН ИМТИҲОН ҚАБУЛ ҚИЛИШ

1. Экстернат синовларини ўтказиш масъулияти юкланган мактабларда экстернлар учун имтиҳонлар ўтказиладиган барча фанлар бўйича консультациялар ва имтиҳонлар жадвали тузилади ҳамда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

2. Экстернлар ёзма ва оғзаки имтиҳонларни умумий таълим мактабларининг 9 ёки 11-синфларига мўлжалланган матн ва билетлар бўйича топширадилар.

Имтиҳонларда экстернларнинг ҳар бир фан бўйича билимлари, кўникма ва малакалари умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида синаб кўрилади.

3. Вазирлик томонидан тасдиқланган умумий ўрта таълим мактабларининг битириш имтиҳонларига киритилган фанлардан ташқари бошқа фанлардан шунингдек, синфдан-синфга кўчиш ёки "Сакраш" истаги билан имтиҳон топшираётган экстернлар учун оралиқ ва якуний имтиҳонларнинг материаллари экстерн имтиҳон топширадиган мактаб ўқитувчилар метод бирлашмаси томонидан тайёрланади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади.

4. Имтиҳонлар бошланиш олдидан ёки имтиҳонлар топширилиши даврида касал бўлиб қолган ва имтиҳонлар тугамасдан соғайиб кетган экстернлар, қолган барча имтиҳонларни мазкур имтиҳон қуни ёки навбатдаги имтиҳон даврида қатнашиш ҳуқуқини берадиган тиббий маълумотома (справка)сига асосан топширадилар.

Имтиҳонларга узрсиз сабаблар билан етиб келмаган экстернлар синовларни топшириш ҳуқуқини йўқотадилар.

5. Экстернлар гуруҳи ёки якка экстерн учун бир кунда директор томонидан тасдиқланган жадвал асосида, фақат битта, ёзма ёки оғзаки имтиҳон ўтказилишига рухсат этилади.

6. Экстернлар учун имтиҳон ўтказишда ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган "Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш тартиблари ва якуний аттестациядан ўтказиш бўйича йўриқнома"нинг 2.3 ва 2.4.- бандларига мувофиқ имтиҳон ҳайъати ташкил этилади.

2. Оилада ёки мустақил таълим олиш йўли билан имтиҳон топшириш истагини билдирган экстернлар билан оралиқ ва якуний имтиҳонларни ўтказиш учун ҳам шу тартибда имтиҳон ҳайъати ташкил этилади. Агар мактабда фанлардан оралиқ имтиҳонларни ўтказиш учун ўқитувчилар таркиби ёки савияси етарли бўлмаса, ҳайъат аъзолигига бошқа мактабларнинг ўқитувчиларини, туман, шаҳар халқ таълими бўлимининг шу фан методистларини (мутахассис бўлса) киритиш мумкин. Мактабда етарли шароит бўлса, оилада -шартнома асосида фарзандини ўқитаётган ота-оналар шартнома тузган ўқитувчи томонидан бериладиган билимнинг самарасини аниқлаш мақсадида оралиқ ёки якуний аттестацияларни бошқа мактабларнинг ўқитувчилари ўтказишини талаб қилса, шартнома тузган мактаб маомуриятн бунинг учун ҳам шароит яратиб бериши лозим. Бунда бошқа мактабларнинг ўқитувчилари билан вақтинчалик мехнат шартномаси тузилиб, уларга имтиҳонларни ўтказганлари учун ҳам амалдаги тартибларга мувофиқ ҳақ тўланади.

3. Экстернлар учун консультациялар ўтказганликлари ва имтиҳон қабул қилганликлари учун имтиҳон ҳайъати раиси ва аъзоларига ўқитувчиларнинг таъриф ставкаси бўйича сўатбай ҳисобида ҳақ тўланади.

Ҳар бир фан бўйича ўтказилган консультациялар ва ёзма имтиҳонлар учун экстернлар сони 16 ёки ундан ортиқ бўлганда қуйидаги тартибда ҳақ тўланади:

а) тўққиз йиллик ўрта мактабларда – она тили ва адабиёти бўйича 5 ўқув соати, математика бўйича 4 ўқув соати ҳисобида;

б) ўрта мактабларда – она тили ва адабиёт бўйича 8 ўқув соати, математика бўйича – 5 ўқув соати ҳисобида;

4. Экстернлар сони 16 тадан кам бўлган тақдирда, улар ёзма имтиҳонларни мазкур умумий таълим мактаб ўқувчилари билан бирга қўшилиб топширадилар, бунинг учун имтиҳон ҳайъатининг раиси ҳамда аъзоларига қўшимча ҳақ тўланмайди.

5. Экстернларнинг ёзма ишларини (она тили ва адабиёт, математика ва х.к) текширганликлари учун ҳар бир экстерн учун 45 дақиқа ҳисобидан ҳақ тўланади.

6. Оғзаки имтиҳонлар учун имтиҳон ҳайъатининг раиси, ўқитувчи ва бошқа ҳайъат аъзоларига ҳар бир экстерн учун 20 дақиқа ҳисобида ҳақ тўланади.

7. Экстернат тартибида ўтказиладиган имтиҳон ва консультациялар учун экстернлардан ҳақ олинмайди. Оралиқ имтиҳонларни иккинчи марта топширувчи экстернлар бундан мустасно. ("Экстернат тўғрисида Низом" нинг 2- бўлим, 8- банди.)

Экстернинг таълим муассасасида оралиқ ва фаннинг тўлиқ курси бўйича аттестациядан ўтганлиги ҳақидаги

М А Ъ Л У М О Т Н О М А

(Н А М У Н А)

19____ йилда туғилган ўқувчи

_____

(Фамилия, исми, отасининг исми)

_____ вилояти _____ туман(шаҳар)идаги ___ -сонли умумий ўрта таълим мактабида _____ ўқув йилида аттестациядан ўтган.

Т/р	Ўқув фанларининг номи	Қайси синф ҳажмида	Чораклик, ярим йиллик, фаннинг тўла курси	Олган баҳоси
1.	Математика	4-синф	чораклы	4(яхши)
2.				
3.				

Фан ўқитувчилари:

1. Имзо (Фамилияси ва исми)
2.
3.
4.

Директор _____

(Фамилияси, исми, отасининг исми)

Имзо: М.Х. "___" _____200__йил

Ҳар бир инсонга қайсидир томондан иқтидор ато этилган бўлади. Уни шакллантириб, йўлга солиб, натижада фойдасини ҳам кўриш эса жамият фаолларидан фидойиликни талаб қилади.

Tadbir

ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Юртимизга қор ёғиб, ҳаммаёқ беғуборликка бурканди. Табиатнинг оппоқ либос кийгандек яшнаб туриши кўзни қувонтиради. Янги йил ҳам эшик қоқиб келмоқда. Ўтиб бораётган йилимиз "Қарияларни қадрлаш йили" бўлганлиги учун ҳам у барчамизга омадли ва баракали келди. Яқинда Қомусимиз қабул қилинганлигининг 10 йиллигини нишонладик ва Президентимиз ушбу тантанада юртдошларимизни табриклаб, кейинги 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилди. Шу муносабат билан Ҳамза туманидаги 215-мактабда тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ХДП раиси Ш. Файзиев, "Соғлом авлод учун" жамғармаси туман бўлими раиси Д. Мирзаевалар иштирок этишиб, ўқувчиларга фаровонлик омиллари ва ёмон иллат — гиёҳвандликнинг жирканч оқибатлари ҳақида сўзлаб бердилар. Мактаб жамоаси ўзининг кўп йиллик самарали фаолияти давомида маҳалла-мактаб ҳамкорлигини яхши йўлга қўйганлар, шунинг учун ҳам бу ерда таълим олаётган ўқувчилар жамиятимизга керакли инсонлар бўлиб етишмоқдалар. Тадбир сўнгида ўқувчилар ва "Эртак" мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш қилинди.

Маҳбуба РЎЗАЛИЕВА,
Ҳамза туманидаги "Ўрта масжид" маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси

ИҚТИДОРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТИ

ёхуд алоҳида таълимга эҳтиёжи борлар ҳеч кимнинг назаридан четда қолмайди

Инсон дунёга келиши биланоқ эга бўладиган ҳуқуқлари муқаддас ва уни поймол қиладиганлар ҳамма замонларда ҳам нафратга учрайди. Шунинг учун ҳам жамиятда яратилаётган шарт-шароитлардан ҳар бир инсоннинг тенг ҳуқуқли тарзда баҳраманд бўлиши кафолатланади. Жисмоний ёки руҳий томондан нуқсонли болаларга, кишиларга нисбатан камситишлар, чеклашлар қўлланиладиган муҳит айни пайтда ҳеч қаерда ривожланмаяпти ва бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Шу ўринда нуқсонли болалар уйларида ўтказилаётган хайрия тадбирлари, кўнгилочар кечалар ҳақида жўшиб гапиришдан тийилиб, нуқсонли болаларга нисбатан таълим тизимида олиб борилаётган янгича фаолият, яъни инклюзив таълимнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталмоқчимиз.

1990 йил Таиландда ҳамда Джомтенда "Таълим ҳамма учун" мақсадини шакллантирган конференция ўтказилганда 155 та давлат делегациялари ва 150 дан ортиқ нодавлат ташкилотлар қатнашган эди. Бунда тахминан 10-15 фоиз болалар махсус таълим эҳтиёжига эга эканлиги аниқланди. Инклюзив таълим концепциясига кўра, агарда ушбу йўналиш ўқитишлари мақсадга мувофиқ равишда ташкил қилинса, алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган болалар академик ва ижтимоий томондан ютадилар ва ўз-ўзларига ҳурматни орттиришга эришадилар. Айниқса, бошқа болалар каби ижтимоий адолат ва тенгликни чуқур ҳис қилишади. Инклюзив таълимнинг яна бир жиҳати борки, унга кўра ҳозирда кўплаб давлатларда алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган болалар бошқа ўқувчилар билан ёнма-ён ўқиш ҳуқуқига эга, деб топилиб, синов майдончаларининг самаралари муваффақиятли чиққан. Ва яна бир хусусияти инклюзив синфларда ўқувчиларнинг жамиятга янгича қарашларини ривожлантириш орқали ижтимоий муҳитнинг энг яхши аъзолари бўлишга йўналтирилади ва фаол ўқитиш амалиётида болаларнинг турли эҳтиёжларини қабул қилишнинг янги йўлларини излашда ижодий ёндашувни амалга ошириш мажбурий шартлардан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, инклюзив таълимнинг муваффақияти умумтаълим мактабидаги битта синфдан бутун жамиятгача ривожланиб ва кенгайиб борувчи тизим дея тан олинишига боғлиқ. Шунинг билан биргаликда кундан-кун ва дақиқадан-дақиқагача синфда ва маърифий муҳитда нималар юз бераётганлиги ҳам ўз таъсирига эга. Чунки, ҳар бир юзага келаётган янги ва йирик таълимий методларнинг муваффақияти ўқитувчилар, ота-оналар ва уларнинг ўзаро алоқадорликдаги ҳамкорликлари ҳамда бевосита таълим соҳасидаги жамоатчи шахслар ва раҳбарларга боғлиқ.

Шубҳасиз, ушбу баён этилган фикрларга қизиқиб қолган бўлишингиз керак. Демак, сизнинг бу муносабатингизга яраша амалий ва воситали исбот излаш биз журналистларнинг вазифамиз. Айнан ана шу вазифа масъулияти билан Ҳамза туманига борганимизда, халқ таълими бўлими мудири Лазиз Абдурасулов худди режалаштирилганидек, Й.Охунбобоев номидаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатига кетган экан. У ерга кириб борганимизда эса, биз учун керакли бўлган муҳит айнан шу даргоҳ эканлигини тушундик. Ўқувчилар билан суҳбатлашиш илинжида уларни излашга киришдик. Лекин, синф хоналари бўм-бўш эди. Ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Феруза Тожиева мактаб-интернат клубига бошлади. Ҳамма ана шу мўъжазгина клубга йиғилган, саҳнада кулги устаси Мирзабек Холмедов ва кейинчалик "Байрам" гуруҳи жамоалари барчанинг кўнглини шод қилаётган эди. Айни пайтдан фойдаланиб Лазиз Абдурасуловни суҳбатга тортдик.

— Ушбу мактаб-интернат ўқувчиларининг фан олимпиадаларидан республика босқичида фахрли ўринларни эгаллаётганлиги, санъат байрамлари ва турли хил мусобақа-танловларда ғолибликни қўлдан бермаётганлиги уларнинг кўриш қобилиятлари паст бўлса-да, иқтидорий салоҳиятлари бошқалардан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмаслигини кўрсатади. Агарда сиз айтаётган таълим методи (инклюзив таълим) қўлланиладиган бўлса, бу болаларнинг имкониятларини янада кенгроқ очади. Суҳбатимизга шерик бўлган, бугунги тадбирнинг асосий ташкилотчиларидан бири, шу даргоҳ ёшларининг етакчиси Санжар Юсупов ҳам тасдиқ маъносида:

— Менинг ўзим ҳам шу ерни битириб, институтда ўқидим. Бошқа жойга ишга борсам ҳам бўларди. Лекин бу ўқувчиларнинг орзулари теран, интилишлари дадил бўлганлиги учунми билмайман, улар билан ишлаш жудаям завқли. Ҳар доим кўзингизга тик боқиб қарай олмайдиган, лекин барча ўю кечинмаларингизга самимий дардкаш бўладиган бу ўқувчилардан янги-янги фикрлар, янги-янги ғоялар эшитаман. Шунда ўйлаб қоламан, дунёда оқланаётган таълимнинг инклюзив методи авж олса, мақсадлар бунданда ёрқинроқ бўлармиди? Мана бундай (даврани худди сухандонлардек олиб бораётган Оқмурод Ўтамуродовга қараб) инсонларни ўйлашга мажбур қиладиган ва олдинга кетиш учун бор кучи билан ундайдиган иқтидорлар ўз ўрнини топармиди?..., — дейди.

Ҳақиқатан ҳам алоҳида таълимга муҳтож ўқувчилар ичида ишлаётганлар шундай фикрларни билдирдими, демак, бу ҳақиқатдан узоқ бўлмаган ва баландпарвоз гаплар эмас. Ўқувчиларнинг ўзлари билан суҳбатлашганимда амин бўлдимки, ҳар бир инсонга қайсидир томондан иқтидор ато этилган бўлади. Уни шакллантириб, йўлга солиб, натижада фойдасини ҳам кўриш эса жамият фаолларидан фидойиликни талаб қилади. Худди шу йўлда инклюзив таълим услуби асқотади деб бемалол айтишимиз мумкин.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

"БИЗ "ДЎСТЛИК"КА КЕЛАМИЗ"

Maktabgacha ta'lim

"Дўстлик" мактабгача таълим муассасаси Жиззах шаҳрининг марказида жойлашган. Боғчага киришингиз билан у ердаги орасталик, озодалик ва саранжом-саришталик диққатингизни ўзига тортади. Ҳовли саҳнида кичкинтойларнинг мириқиб ўйнашлари учун турли ўйинчоқ мосламалари мавжуд. Кимдир арғимчоқ учмоқда, яна бири "от"ни "чуҳ-чуҳ"лаб ким ўзарга тайёрланмоқда. Бир-бирига копток ирғитиб ўйнаётган болакайларнинг қувончи ўзида йўқ.

— Боғчангизнинг номи нима? — сўраймиз улардан.

— Боғчамизнинг номи "Дўстлик", — бир овоздан қичқириб жавоб беришди болажонлар.

— Биз ҳар куни "Дўстлик"ка келамиз, маза қилиб ўйнаймиз, — дейди турли рангдаги шарлардан "гулдаста" кўтариб жажжи қизалоқ. — Акам ҳам шу ерга келади, — қўшиб қўйди у.

Болаларнинг шўх кайфияти, уларнинг шодон ўйин-кулгуларини кўриб, бу ерда зерикиб қолмаётганлигига ишонч ҳосил қиласан киши. Тарбиячилар болалар атрофида парвона. Оқ халатли ҳамшира ҳам шу ерда. Болаларнинг ҳар бир ҳаракати улар нигоҳида. 250 нафар кичкинтой тарбияланаётган боғчада 10 та гуруҳ мавжуд. Ҳар бир гуруҳ раҳбари жисмоний тарбия, мусиқа машғулотларини ранг-баранг тарзда ўтказишга ҳаракат қилади. Логопед хонасида нутқида нуқсони бор болалар билан мунтазам машғулот ўтказиш йўлга қўйилган.

Тарбияланувчиларга яратилган шароитлар билан танишиш мақсадида хоналарни айланамиз. Ҳар бир гуруҳ хонасида кўргазмали қуроллар, турли ўйинчоқлар сероб. Уларнинг барчаси тарбиячиларнинг қўли билан яратилган. Айниқса, тарбиячи Гулсина Тўраева ижодига мансуб бўлган турли ўйинчоқлар мажмуаси ўзига хос кўргазмани ташкил этади. Турли мато, ип, қоғоз-картонлардан ясалган ўйинчоқларни кичкинтойлар томоша қилиб зерикишмайди.

Услубчи Анна Аблямитова хонасига кирганимизда эса, кичикроқ музейга кириб қолгандек ҳис этдик ўзимизни. Бу ерда тарбиячилар учун керак бўлган ҳужжатлар жамламаси, тарқатма қуроллар, ўйинчоқлар ўта дид билан жойлаштирилганки, ҳавас қилмай иложингиз йўқ. Президент асарлари, "Конституцияни ўрганамиз", миллий истиқлол ғоясига оид қўлланма ва ҳужжатлар етарли. Тарбиячилар истаган пайтда улардан фойдаланадилар. Ҳар ойда бир марта миллий истиқлол ғояси бўйича тарбиячилар учун машғулот ўтказилиб келинмоқда. Бу борада боғчанинг тажрибаси катта. Шу боисдан ҳам боғча тарбиячилари ойда бир марта малака ошириш институтининг тингловчиларига очиқ машғулот ўтказиб беради. Уларнинг тажрибасини вилоятнинг турли туманларидан келган тарбиячилар ўрганиб, ўзлаштириб кетмоқдалар. Шоҳиста Орипова, Зиёда Эргашева, Қумри Ризаева, Фотима Суярова каби тарбиячиларнинг иш тажрибаси ҳар қанча таҳсин ва ўрганишга арзийди.

Боғчанинг ота-оналар билан ҳамкорлиги кун сайин мустаҳкамланмоқда. Бинони таъмирлаш, турли ободонлаштириш ишларига ота-оналар беминнат ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шуҳрат Ортиқов, Руслан Мубиев каби оилаларнинг оталиқ ёрдамидан жамоа мамнун. Оталиқ ташкилоти 7-дон маҳсулотлари корхонаси боғча атрофини девор билан ўрашга кўмак бермоқда. Боғча мажмуасининг иситиш тармоқлари таъмирланиб узлуксиз ишламоқда.

Боғчада таълим-тарбия ишларининг яхшиланишида жамоада меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг хизмати катта. Ўзаро ҳамкорлик, бир мақсад йўлида ҳамфикр бўлиб ишлаш натижасида ота-оналарнинг ишончи қозонилмоқда. Айни кунда фарзандларини шу боғчада тарбиялаш истагини билдираётган ота-оналар шаҳарнинг турли бурчакларидан келмоқда. Шу ўринда жамоага бир неча йиллардан бери раҳбарлик қилиб келаётган Марҳамат Юлдошеванинг хизмати катталигини таъкидлаш лозим. "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" бўлган мудира замон талаби даражасида ишни ташкил этишга катта эътибор бермоқда. Юртимиз келажаги бўлган кичкинтойларни миллий истиқлол ғояларига ҳурмат, ватанга садоқат руҳида тарбиялаш учун жамоа тинмай изланмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Маърифат" мухбири

Ilmiy tadqiqotlar

БУГУНГИ АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРА

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларга мувофиқ табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал, амалий билимларни яратиш, фан ва технология соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, олий малакали илмий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, ҳамда ёшларнинг илмий ижодиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамиздаги кўпгина олий таълим муассасаларида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, илмий мутахассислар тайёрлаш олий таълим тизимининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айни пайтда илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши мутахассисларни тайёрлашдаги сифат ва самарадорликка бўлган талабни ҳам юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда юқори малакали илмий ва илмий-педагогик мутахассислар асосан докторантура ва аспирантура йўналишлари бўйича тайёрланади. Шу ўринда бунга бироз ойдинлик киритиб олсак. Хўш, илмий-тадқиқотнинг ўзи нима, у қандай мақсадда олиб борилади? Унинг олдига қўйиладиган талаблар борми? Албатта, илмий тадқиқотчи булардан хабардор бўлиши зарур:

Бу — биринчидан, илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, уни бевосита бажариш, натижанинг татбиқ этилишини тақозо этади. Иккинчидан, дарслик, ўқув қўлланмаси, монография, илмий мақола, маърузаларни ёзиш ва нашрга тайёрлаш, таҳрир қилиш, уларга тақриз ёзиш талаб қилинади. Учинчидан, авторефератлар, муаллифлик ихтироси ва таклифларини тайёрлаш, уларга тақриз ёзиш керак. Тўртинчидан, докторлик ёки номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш. Бешинчидан, ихтиро ва рационализаторлик таклифлари бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда расмийлаштириш. Олтинчидан, олий таълим муассасасининг ихтисослашган кенгашлари, илмий-техникавий ва илмий-услубий комиссиялари ишларида иштирок этиш...

Республикамиздаги йирик олий таълим муассасаларидан бири Ўзбекистон Миллий университети аспирантура бўлими фаолияти хусусида мазкур бўлим бошлиғи Салима Икромова қуйидагиларни гапириб берди:

— Аспирантура, бу тадқиқот, таъбир жоиз бўлса, илм-фандаги заҳмат. Айни пайтда университетимизда амалий физика илмий-текшириш институти, амалий экология ва табиатдан рационал фойдаланиш илмий текшириш бўлими, "Ботаника" боғи, шунингдек, 16 та илмий лаборатория, ҳамда Миллий қадриятлар маркази фаолият кўрсатмоқда. Ушбу илмий тузилмалардан Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган 64 та илмий мавзу, 36 та фундаментал, 4 та инновацион ва 8 та хўжалик шартномаси бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жами 13 та Ихтисослашган кенгаш бўлиб, унда 15 та мутахассислик бўйича 7 та докторлик ва 29 та мутахассислик бўйича ҳимояларни ўтказиш имконияти мавжуд.

Ҳозирги кунда университетда 151 нафар фан доктори, профессор, 395 нафар фан номзоди, доцент фаолият кўрсатмоқда. 130 нафардан зиёд фан доктори, профессорлар фан номзодлиги ва бошқа илмий унвонларни олиш иштиёқида таҳсил олаётган аспирант ва докторантлар фаолиятига раҳбарлик қилмоқдалар. Шунингдек, уларга бошқа олий ўқув муассасаларидан ҳам 30 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар раҳбарликка жалб қилинган.

Университет илмий кутубхонаси ўзининг бой манбалари билан республикада ягона. Унда қарийб 3 миллиондан зиёд китоб, 1000 нусхадан ортиқ нодир қўлёзмалар мавжуд. Бу илмий тадқиқот билан шуғулланувчилар учун катта имкониятдир.

Ҳозирги кунда университетда 62 та мутахассислик бўйича фан номзоди ва 17 та мутахассислик бўйича фан докторлари тайёрланмоқда. Докторантурада 17 нафар, аспирантурада эса 220 нафар илмий изланувчи таҳсил олмоқда. 85 нафар аспирант-тадқиқотчи номзодлик, 13 нафар докторант-тадқиқотчи эса докторлик диссертациясини тайёрлаш билан банд.

Аспирантурага илмий-тадқиқот ишига лаёқати бўлган, олий таълим муассасасини муваффақиятли тамомлаган магистр мутахассислар, шунингдек, аниқ тадқиқот мавзусига эга ва номзодлик имтиҳонларини топширган университет ходимлари танлаб олинади.

2002-2003 ўқув йили аспирантура бўлимига 63 нафар тингловчи қабул қилиниши режалаштирилган эди. Барча ўринлар учун жами 68 нафар киши ҳужжат топширган бўлса, шуларнинг 62 нафари ўқишга қабул қилинди.

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, математик анализ мутахассислиги бўйича белгиланган 1 ўринга 3 та ариза, ярим ўтказгичлар мутахассислиги бўйича 1 ўринга 2 та, органик кимё бўйича 1 ўринга 4 та, ботаника мутахассислиги бўйича 1 ўринга 2 та, илмий тадқиқот ҳисоблаш техникаси, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш бўйича 1 ўринга 6 та, Ўзбекистон тарихи бўйича ажратилган 3 ўрин учун 6 та, қиёсий типология ва қиёсий тилшунослик, таржима назарияси мутахассисликлари бўйича жами ажратилган 3 та ўрин учун 5 та ариза келиб тушган.

2000-2001 ўқув йилида аспирантурани 142 нафар тадқиқотчи якунлади. Шулардан 10 нафари ўз муддатида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишга эришди. Муддатидан кейин 9 нафар аспирант "ҳимоя" қилди. 11 нафар аспирант ўз диссертациясини ёқлаш мақсадида кенгашга тақдим қилди, яна 11 нафари эса диссертацияни кафедрага тавсия қилди.

Докторант ва аспирантлар ҳар йили икки марта — май-июнь ҳамда ноябрь-декабрь ойларида, аввал ўз кафедраларида, сўнгра факультет илмий кенгашида аттестация қилинади. Ўз шахсий режасини бажармаган, кафедра ва факультет билан алоқани узганлиги боис, 42 нафар аспирант бу йил ўқишдан четлаштирилди.

Ушбу босқичда ўқишни тамомлаётганларнинг аксарияти ўз вақтида ҳимоя қилишга ёки диссертацияларини ихтисослашган кенгашга ҳимоя учун топширишга улгура олмаяптилар. Диссертация ишларини ҳимояга тақдим этмаслик, илмий мақолаларни вақтли матбуотда чоп эттиришга эътиборсизлик билан қараш, илмий раҳбарларнинг ҳафсаласизлиги, илмий ишни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган махсус кенгашларнинг йўқлиги натижасида юзага келмоқда.

Университет аспирантлари орасида ўз илмий-тадқиқотларини ривожлантириш, ҳамда бу борада хорижий мутахассислар билан фикр алмашаётганлар ҳам бор. Жумладан, ўтган 2001-2002 ўқув йилида кимё факультети аспиранти М.Тўрабекова Буюк Британияда, журналистика факультети аспиранти Э.Файзиев Германияда малака ошириб қайтдилар. Айни пайтда эса механика-математика факультети аспирантлари А.Чилина, Д.Акимов АҚШда, физика факультети аспиранти И.Пушкина Японияда, F.Эшонқулов эса Россия Федерациясидаги илмий муассасаларда ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Номзодлик, докторлик диссертацияларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши илмий мавзунинг долзарблиги, унинг аниқ режалаштирилганлиги, ишланманинг объектив таҳлил қилиниши, узлуксиз муҳокама қилиниб, умумлаштириб борилишига ҳам бевосита боғлиқ. Бу асосан илмий маслаҳатчи ва раҳбарнинг илмий салоҳияти, педагогик маҳоратига боғлиқ. Шуни инобатга олган ҳолда, университет маъмурияти мутахассислик бўйича катта тажриба ва малакага эга бўлган таниқли олимлар, фан докторлари, профессор ва доцентлардан илмий раҳбар тайинлайди. Аспирантларнинг илмий ишини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳимоя қилишида профессорлар, М.Раҳимов, А.Абдусамедов, В.Болотов, Ё.Тожиев, Р.Муртазоева, Л.Турсунов, Ў.Мусаев, Э.Умаров, Э.Ғозиев сингари кўпгина тажрибали педагог-олимларнинг ўзига хос мактаблари бор. Кўп йиллар ўтса ҳамки, аспиранти "судралиб" ҳимоя қила олмаётган илмий раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Хулоса қилиб айтганда, илмий ва ўқув муассасалардаги тадқиқотларнинг сўнгги нуқтаси йўқ, фан — ҳадсиз, чексиз уммон. Қадимда донишмандлар илм-фан билан шуғулланишни "нина билан қудуқ қазиш"га менгзаганлар. Бу ҳақиқат бугунги кунда яна бир карра ўз тасдиғини топаётгандек. Зеро, илм-фанга нина билан қудуқ қазишдан чўчимаган кишигина қўл уради...

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ ёзиб олди.

Yangi pedagogik texnologiyalar

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Технология ишлаб чиқаришга оид тушунча бўлиб, фанга 1872 йилда кириб келди. Уни таълим-тарбияга шундайлигича кўчириш мақсадга мувофиқ эмас. Шундай бўлса ҳам педагогик нуқтаи назардан технология атамасини шартли равишда таълим жараёнини ташкил қилиш усули маъносида қўллаш мумкин. Педагогик технология таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашувни ифодалаб, бу жараённи техникавий тасаввур асосида стандарт қолипга солиш, уни самарали тузиш билан боғлиқдир.

Илғор педагогик технология анъанавий таълим тизимидан фарқ қилади. У ривожлантирувчи таълим тамойилига асосланган бўлиб, биринчи навбатда ўқувчи шахсига эътибор қаратилади, жумладан, таълим жараёнида ўртача ўқувчи эмас, балки иқтидорли, интилувчан, илғор ўқувчи асосий объект бўлади.

Бугунги ўқитувчи шахси илғор педагогик технология амалиётида муҳим роль ўйнайди. Мазкур технология бўйича талабалар рейтинг тизими асосида баҳоланадилар. Бундай баҳолаш ўқитувчи ва талабаларга қулайлик яратади.

Илғор педагогик технологиядан олмон тили дарсларини ўқитишда қай тарзда фойдаланиш мумкин? Немис тили дарсларида турли таълимий ўйинлар илғор педагогик технологиянинг унсурлари сифатида хизмат қилади ва бу дарснинг самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг қизиқишларини кучайтиришга ёрдам беради.

Университетимизда бу борада бир неча усуллардан фойдаланилмоқда.

1. "Муз ёрар" ўйини.

Бу услуб лексик ва грамматик мавзуларни дарс жараёнида талабалар қай даражада ўзлаштирганликларини билиш мақсадида қўлланилади. Талаба тузган саволлари ёрдамида ўзининг кимлигини ёки нимага қодир эканлигини топиши керак. У талабалар томонидан яширинган сўзни топади. Ўз навбатида бошқа иштирокчи талабалар - "ҳа" ёки "йўқ", деб жавоб берадилар.

Z.B.;

"Das Buch". Fragen: Bin ichcin Frucht? — Nein. Kann man mich essen? — Nein. Kann man mich kaufen? (lesen) — ja. Bin ich ein Buch? — ja.

Мазкур ўйин талабанинг сўз бойлигини ошириб, оғзаки нутқини ривожлантиради. Савол тузишга ўргатади, фикрлатади, топқирликни талаб қилади.

2. Кластер тузиш.

Бунда умумий сўз ёки мавзу берилади. Талаба мавзу сифатини, белгиларини ёритиши лозим. Ўйин гуруҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилади. Гуруҳ номидан сўзловчи — спикер жавоб вариантларини маълум қилиб боради. Ўйиннинг моҳияти кимнинг кўпроқ сўз айтиши билан боғлиқ. Z.B: Der Aptel (сўзи) Das ist Frucht, Oval rund gross, klein, suss, rot, gelb, grun Apfelbaum, reifen im Herbst, im Sommer. Die Familie (мавзу).

Мавзуга оид таянч ифодаларни айтиш. Бу ўйин орқали оғзаки нутқ ривожлантирилади, талабани луғат китоби билан ишлашга ўргатади, уларда рақобатбардошликни шакллантиради, фаоллигини таъминлайди.

3. Синквейн.

Бирор мавзуга ёки сўзга шеърий қатор тузиш 2-4 қатор "Das Madchen" сўзига ich weiss nicht, was soll es bedeuten. Das ich so traurig bin: Ein Marchen aus alten Zeiten. Das kommt mir nicht aus dem Sinn.

Ушбу ўйинини яхши ташкил этиш учун талабаларга кўпроқ шеър ёдлатиш лозим. У талабанинг эслаб қолиш қобилиятини ўстиради, талаффузини яхшилайди, ижодкорликка ўргатади.

4. Дебат — баҳс, мунозара.

Бирор мавзуда баҳс ўтказиш. Бунда ҳар ким ўз фикрини билдириб, уни ҳимоя қилади. Z.B "Wie muss der Freund sein?" 1. Der Freund muss ehrliech hilfsbereit sein. Er muss nie, lugen. Der Freund muss in den scwierigen Minuten des Lebens dir helfen U.S.W.

Ўтказилган баҳс, мунозара талабаларни олмон тилида ўз фикрини эркин ифодалашга ўргатиш билан бирга, уларнинг дунёқараши қай даражада эканлигини билишга ҳам ёрдам беради. Эркин мулоқотнинг самарали ўтиши, ўз навбатида талабадан кўпроқ сўз ёдлашни талаб қилади.

Юқоридаги ўйинлар гуруҳларга мўлжалланган бўлиб, уларни ижодий, ўйин ҳамда давра стол атрофидаги мулоқот дарсларида қўллаш мумкин.

Турсуной НИШОНОВА, НамДУ жаҳон тиллари факультетининг ўқитувчиси

Ў ердаги неға бир замонлардан гувоҳлиқ берувчи улкан ғинор ва унинг тагидаги инсон акси кўринадиган кўлга назар ташлаган ҳар қандай одам хаёлан мозий сари сафар қилиб, гўё ўтмишнинг кўҳна даврларини кузатгандек бўлади.

Ma'rifatsiz kishilar

КОРОНҒУДА ТОПИШГАНЛАР

Республикамизда ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш мақсадида Ички ишлар идоралари томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги ОИТС марказлари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳрида хорижий давлатларнинг фуқаролари томонидан жиноят содир этилиши ва улар томонидан тери-таносил касалликлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Хорижга чиқиш-кириш ва Фуқаролик Бош бошқармалари, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг тегишли хизматлари ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Ҳ.Турсунқулов кўчасидаги 6-автобаза ҳудудида жойлашган "Туркпарк" ҳамда А.Икромов тумани Тошкент халқа йўлида жойлашган "Эронпарк"ларда тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилди. Тадбирлар чоғида VOLVO русумли давлат белгиси 33 PS 587 бўлган автомашина ҳайдовчиси, 1969 йилда туғилган Туркия фуқароси С.Мардон ўз автомашинасининг дам олиш хонасида Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Қўйлиқ даҳасида яшовчи 1979 йилда туғилган фуқаро Н.Йўлдошева билан ноқонуний жинсий алоқа қилаётганлиги аниқланди.

Фуқаро Н.Йўлдошевага нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб Тошкент шаҳар Тери-таносил касалликлари диспансерига касаллик даражасини аниқлаш учун юборилди.

Чунки, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тери-таносил касалликлари диспансерларига келтирилаётган ҳар уч фуқаронинг бирида турли кўринишдаги юқумли касалликлар борлиги аниқланаяпти.

Шу боис, гиёҳвандлик дардига мубтало бўлган шахслар сони ортиб бораётган ҳудудларда уларни аниқлаш ишларига эътиборни кучайтириш, яъни ҳар йили гиёҳвандларнинг ОИТС/ОИВ касаллигига чалинганлигини аниқлаш юзасидан милиция профилактика инспекторлари билан ОИТС маркази ходимлари ҳамкорлигида, белгиланган жадвал бўйича мажбурий текширишдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ ҲООББ МТБ катта инспектори, милиция майори

ОШХОНА ВА БУФЕТЛАР ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Seminar

Жиззах вилоятида 537 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 150 та ошхона ва 408 та буфет ўқувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Лекин мактаб ўқувчилари овқатланишларини ташкил этишнинг ўзига хос муаммо ва камчиликлари ҳам йўқ эмас. Ошхона ва буфетларда сотиладиган овқат ва бошқа маҳсулот турлари, таомнома, овқатларнинг ҳаражатларини ишлаб чиқиш масалаларида методик ва амалий ёрдам бериш, нархларини арзонлаштириш мақсадида савдо ташкилотлари билан келишилган ҳолда ҳомий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни такомиллаштириш - ана шундай долзарб муаммолардан биридир.

Яқинда Жиззах шаҳридаги Ш. Рашидов номли 10-мактабда «Ўқувчилар овқатланишини ташкил этишни такомиллаштириш» мавзусида бўлиб ўтган кўргазмали вилоят анжуманида ана шу ҳақда сўз борди. Семинар иштирокчилари шаҳардаги 3, 5, 6, 10, 14, 16, 22-мактабларда бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Анжуман қатнашчилари мактаб ошхонаси ва буфетлари ишини янада яхшилашга кенг жамоатчилик, жумладан, маҳалла оқсоқоллари, оталиқ ташкилотлар, тадбиркор ва фермерларни кўпроқ жалб этиш зарурлигини алоҳида қайд этдилар.

А. СОДИҚОВ,
«Маърифат» мухбири

Taassurot

САМАРҚАНД - АЖДОДЛАРДАН ХОТИРА СЎЙЛАР

Яқинда республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази ташаббуси билан пойтахтимиздаги Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежи "Йўл патрул хизмати" бўлимининг 40 нафар ўқувчиси ҳамда улар ота-оналарининг гўзал ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Даставвал улар бобокалонимиз Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишди. Саёҳатчилар бу мажмуанинг Юртбошимиз ташаббуси билан юксак шарқона дид ила бунёд этилганлиги — аждодларимиздан қолган тарихий меросга ҳурмат рамзи эканлигини ҳис этишди. У ердаги неча бир замонлардан гувоҳлик берувчи улкан чинор ва унинг тагидаги инсон акси кўринадиган кўлга назар ташлаган ҳар қандай одам хаёлан мозий сари сафар қилиб, гўё ўтмишнинг кўҳна даврларини кузатгандек бўлади.

Сўнгра улар Гўри Амир мақбараси томон йўл олишди. Кейин осмонўпар бинолар тизилган маржон шодаси янглиғ Самарқанд шоҳимарвари — Регистон майдони саёҳатчиларни ўз бағрига чорлади. Майдоннинг уч томони — Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасалари қад кўтарган бу ноёб, кўҳна маданий обида нафақат Самарқанд, балки юртимиз гавҳари саналиши билан эътиборни тортади. Бундаги нақшинкор пештоқлар, ажойиб санъат намуналари инсон зеҳни ва қўли ила яратилганлигига шубҳа уйғотиши ҳам бежиз эмас.

Шундай қилиб, меҳмонлар Шоҳизинда мақбараси, Бибихоним масжиди каби қатор зиёратгоҳ жойларни томоша қилар экан, бу обидалар хорижлик меҳмонларнинг ҳам эътиборини жалб қилаётганининг гувоҳи бўлишди. Улар Президентимиз таҳсил олган 21-ўрта мактаб билан ҳам танишдилар. Шунингдек, Вилоят ИИББ ҳовлисидаги осойишталик посбонлари хотираси шарафига ташкил этилган "Мангу олов" хиёбонига гулчамбар қўйдилар.

Самарқанд сафари таассуротлари ёшлар қалбида бир умр муҳрланиб қолди, десак янглишмаймиз.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА

КИЧКИНТОЙЛАРНИ ШАЙДО ҚИЛГАН ТЕЛЕВИЗОР

Биламизки, китоб ўқиганда боланинг ҳаёли фаол ишлайди, образли тафаккури янада ривожлана боради. Телевизор кўриш ҳам китобга қараганда кўпроқ янгиликларни билишга имкон беради, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Шундай экан, телекўрсатувларни болалар билан муҳокама қилиш бола шахсини ҳар томонлама камол топишида муҳим ўрин тутади.

Лекин, савол туғилади — бу телевизорни томоша қилишнинг чегараси борми, у эндигина ақлан ва жисмонан ривожланаётган кичкинтойларга қандай таъсир қилади? Жумладан, кичкинтойларнинг кўз фаолиятига қандай таъсир кўрсатади? Бу муаммолар ҳозирги кунда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалардан бири бўлиб, унга бефарқ қараш ёш авлод тарбиясида кечириб бўлмас хатолардан бири ҳисобланади.

Маълумки, инсон ташқи муҳитдан оладиган таассуротларнинг 90 фоизини кўз орқали қабул қилади. Болалар ҳам бундан мустасно эмас. Боланинг сиҳат-саломатлиги, тафаккурининг юксалиши кўп жиҳатдан кўзнинг яхши кўришига, қобилиятига боғлиқ. Шундай экан, биз ўз нуридийдамиз фарзандларимизнинг кўз органига телекўрсатувлар қандай таъсир кўрсатади? — деган саволга нисбатан фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Хонадонимиздаги ойнаи жаҳон энг яқин суҳбатдошимиз, кишилар маънавий камолоти учун ҳамоҳанг бўлган манбаа. Айниқса, унинг мактаб ёшигача бўлган болаларни ўзининг хилма хил мультфильмлари каби ўзига ром этувчи ажойиб кўрсатувлари кундан-кун ортиб бормоқда. Шу билан бирга, бундай кўрсатувлар жараёни мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний камолоти, ақлий тараққиётига кучли таъсири мавжудки, бу муаммолар кўп мутахассисларнинг эътиборини ўзига тортмоқда.

Шунингдек, кўпгина ота-оналарни "Телевизор кўзнинг яқиндан кўриш фаолиятини бузмайдими, бола қанча вақт телевизор кўриши керак?", "боланинг телевизор кўришини қандай чегаралаш керак?", "Овқатланиш вақтида телевизор кўриш мумкинми, телекўрсатувни кўп кўриш бола организми тараққиётига салбий таъсир кўрсатмайдими?" каби саволлар безовта қилиши шубҳасиз.

Биламизки, болалар дунёси доимо муаммоларга бой. Шу ўринда эслаш мумкин, машҳур ёзувчи Лев Толстой "5 ёшли боладан менгача бир қадам, янги туғилган боладан 5 ёшгача эса ўта машаққатли масофа" — деб бежиз ёзмаган эди. Бу фикрлар мактабгача бўлган даврда бола шахсини шакллантириш борасидаги тарбия катта аҳамиятга молик эканлигини исботлайди. Ҳақиқатан ҳам бу фикрлар психологлар тадқиқотларида ўз аксини топди. Хусусан, киши ақлий қобилияти тараққиётининг 50 фоизи боланинг дастлабки 4 ёшигача, 30 фоизи 4-8 ёш орасига, 20 фоизи эса 8-17 ёш орасидаги даврларга тўғри келади. Қаранг, боланинг дастлабки 8 йили деярли бутун умридир! Шундай экан, "телевидение" сўзи билан "болалар" сўзини ёнма-ён қўйинг. Оилада ота-она зиммасида "телевизион интизом"ни шакллантириш борасида улкан масъулият ётади. Биламизки, турли ахборотлар кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Булар бола тараққиётига ижобий таъсир этиши билан бирга, унинг руҳиятига кучли босим бериши ҳақиқатдан йироқ эмас. Шундай экан, телевизор ёнида ота-она бола билан ёнма-ён туриши, фарзандининг ахлоқий камолоти ва интеллектуал юксалишида ёрдамчи раҳнамо бўлиши лозим.

Ta'kid

Телевидениенинг ёшлар, шунингдек, болаларнинг ҳар томонлама камолотига таъсирини ўрганиш борасида болалар олий нерв фаолияти ва кўриш реакцияси ҳолатини ўрганишга бағишланиб олиб борилган кўплаб илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, телекўрсатувлар мактаб ёшигача бўлган болаларда кунига 30 минутдан ошмаслиги керак. Шунингдек, ҳар бир бола руҳий тараққиёти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳафтасига 2-3 марта телевизор кўриши тавсия қилинади. Мактаб ёшидагиларга кунига 45 минутдан ошмаслиги ва ҳафтасига 3-4 марта кўришлари мақсадга мувофиқ деб топилган.

Шу билан бирга болалар телевизор қаршисига тўғри ўтирган ҳолда, телеэкран эса бола кўзи текислигида ёки бироз пастроқ бўлиши лозим. Масофа эса 2,5-3,5 метр атрофида бўлиши тавсия қилинади. Акс ҳолда, бола ноқулай ўтириши, ётган, овқатланаётган, ўтирган ҳолда бўлиши унинг организмининг нормал шаклланишига, диққати, тафаккури каби руҳий жараёнларининг тараққиётига салбий таъсир кўрсатади, бола иштаҳаси бузилишига олиб келади.

Булардан кўриниб турибдики, бола кўзини ортиқча юк — зўриқишдан сақлаш ниҳоятда зарур. Агар у кўзойнак тақиб юрадиган бўлса, телекўрсатув вақтида ҳам кўзойнакни тақиб ўтирмоғи керак, шунда кўз камроқ зўриқади. Шу билан бирга бола телевизорни қоронғу шароитда кўрмаслиги керак, экран ёруғлиги атроф-муҳит ёруғлиги билан баробар бўлиши лозим, акс ҳолда кўз аккомодацияси жараёни янада ортади, бу эса кўзнинг толиқишига олиб келади. Шу билан бирга телевизор экранини тўғрилаш, уни созлаш бола кўзи олдида эмас, ундан олдинроқ тўғрилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Қаранг, ота-оналар олдида қанчадан-қанча масъулиятли вазифалар кўндаланг бўлиб туради. Булар албатта, телекўриш маданиятини шакллантириш демакдир.

Қобил ҚОДИРОВ,
биология фанлари номзоди

ONALAR – MUQADDAS, ONALAR – AZIZ

Onaning bag'ridan boshlanur Vatan,
Ona bu — she'riyat, ona bu — Vatan.
Allasi uyg'otar qalbda ezgulik,
Onalar azizdir, onalar — buyuk.

Onalar taftini quyoshdan olgan,
Onalar mehrini allaga solgan.
Duoga qo'l ochar bo'lgin deb suyuk,
Onalar azizdir, onalar — buyuk.

Bolasin ta'riflab tildan oqar bol,
Doimo olqishlar, ko'rma deb zavol.
Ertaklar aytadi bo'lgin deb yetuk,
Onalar azizdir, onalar — buyuk.

Raxshona TOSHPO'LATOVA,
o'quvchi, O'zbekiston tumani



SURXONDARYO

Toshdan qattiq boshing bo'lsin, Surxondaryo,
Amudayin yoshing bo'lsin, Surxondaryo,
Tomirday bardoshing bo'lsin, Surxondaryo,
Qo'l uzatgan oshing bo'lsin, Surxondaryo.

Surxon elim, xon elim,
Senga fido jon elim.

Janub o'lkam sarhadidir bepoyon,
Unda bo'lar quyosh husni namoyon.
Iqbolinga kun kelar dorilomon,
Jamolinga tan bersin jumla jahon.
Surxon elim, xon elim,
Senga fido jon elim.

Nodira TO'YINOVA,
Uzun tumanidagi
1-maktab o'quvchisi

ALLA – QO'SHIQ ONASI

Tundan, sahar palladan,
Ona aytgan alladan.

Kuy-qo'shiqlar yaralgan,
Olam uzra taralgan.
Alla — qo'shiq onasi,
Parvoz etsin bolasi.
Tilak tilar bolalar:
—Omon bo'lsin onalar.

Ona borki alla bor,
Hayot, qo'shiq, yalla bor!

Sarvinoz TO'LAYEVA,
Nurobod tumanidagi
56-maktab o'quvchisi

BAYROG'IM

Mayin hilpirab turar
O'zbekiston bayrog'i.
Zaminga chiroy berar
Bayrog'imning bo'yog'i.

Oy timsoli aks etgan,
O'n ikki yulduz porlar.
Har rangda
zo'r ma'no bor,
Tinchlik,
do'stlikka chorlar.

OLTIN KUZ

Za'faronday yaproqlar
Bir xo'rsinib qo'yadi.
Goho osmon qorayib
Zumda yomg'ir quyadi.

Kuz fasllar ichida
Oltin deya nom oldi.

Hosilning mo'lligidan
Qalblarga quvonch soldi.

Nafosat RAJABOVA,
Shovot tumanidagi
46-maktab o'quvchisi

SINOV

Hikoya

— Ertaga bizga yangi opay kirarmish, Amat muallim aytdi, — dedi Sultonning kurtkasini ko'tarib yonida pildirab ketayotgan Said.

— Eshitdim, 6-"B"ga zo'ridan qo'ydim, endi Sultonga o'xshaganlar qimir etolmaydi, debdi direktor bova. Opayingning nima deyishini bilaman:

"Senlarning dovrug'ingni eshitdim. Maktabda to'polonchilik bilan nom chiqargan sinf ekansizlar. Ayniqsa, Sulton degan bolalaring bor ekan.

Bilib qo'y: men senga Bozorboy og'aylaring emasman. Shoxlaringni sindirib qo'yaman", deydi. Avval meni o'rtaga chaqiradi.

— San bola, ko'zingni ochib yur, maktab katta xolangning chorbog'i emas, bu yerda o'qiyman desang, tilingni o'ttiz ikki tishing orasiga qisib yur, — deydi...

— Xuddi oldindan ko'rib qo'yganday gapirasan-a, jo'ra... Balki, unday demas...

— Deydi, deydi. Men hammasini bilaman. Lekin Saidvoy, men anoyilardan emasman. Sinfga kirib, va'z boshlamasidan avval bir narsa qilaman, u Sultonning kimligini bir zumda biladi, qo'yadi.

— Nima qilasan? — qiziqsindi Said.

— Qo'yaver, ertaga ko'rasan, hozir aytsam, qizig'i qolmaydi, — dedi Sulton.

* * *

— Bittang ham opay kirmaguncha stolga yaqinlashma!

Sultonning buyruqlariga ko'nikib qolgan bolalar joy-joylariga o'tib o'tirishardi. Chunki u bilan hazillashib bo'lmaydi. Qahri qattiq. Uning ustiga sambo bilan shug'ullangani uchun hammasidan kuchli.

— Yana nima baloni boshlamoqchisan? — dedi qaqildoq Gulzira. Juda kichkinaligi, ovozi chiyillab chiqqani uchun Sulton uni chirildoq der, ammo o'zi negadir shu qizchani ayardi.

— Sening ishing bo'lmasin, kitobingni o'qi, "5" olishing kerak-ku, — dedi Sulton.

Mix qoqib qo'ydimikin yoki yelim to'kdimikin, deb o'yladi Gulzira.

Bechora opay... Bir xayoli yugurib chiqib yangi muallimga aytgisi keldi.

Ammo Sultondan hayiqdi. Sotqinlarni juda yomon ko'radi, axir.

Yangi o'qituvchi yoshgina, chiroyli qiz edi. U tik turgan ko'yi o'zini tanishtirdi:

— Gulnora opay deb chaqirsalaring ham bo'laveradi. Sizlardan uncha katta emasman.

— Gulnora desak-chi? — Bu Sultonning ovozi edi. Hammaning nafasi ichiga tushib ketdi.

— Senga shunday deyish yoqsa, chaqiraver, — dedi va sekin stulga o'tirmoqchi bo'ldi, stul ag'anab ketdi, muallima stolning bir chetini ushlab cho'kkallab qoldi. Sinfda kulgi ko'tarildi. Muallima o'rnidan turdi, qip-qizarib ketdi. Sulton yugurib borib, bir oyog'i qiyshayib qolgan stulni chekkaga olib qo'ydi:

— Opay, xafa bo'lmaysiz, bu stullar juda sifatsiz, yonidan o'tsang, shamolingga ham yiqilaveradi, — dedi Sulton ko'zlari ayyorona chaqnab. Bu nigoh muallimaning e'tiboridan chetda qolmadi.

— Mayli, asta-sekin sifati ham yaxshilanib qolar, hechqisi yo'q.

Muallima o'zini tez o'nglab oldi, hech narsa bo'lmaganday avvalgi ovozda darsini davom ettirdi:

— Sizlarga adabiyotdan dars beraman. Saboqqa kirishmasdan avval biz nima uchun qoraqalpoq deb atalishimiz haqida besh-o'n daqiqa suhbatlashsak.

Muallima goh ovozini pasaytirar, goh ko'tarardi. Uning ovozida sehr borga o'xshar, sinf suv quyganday jim-jit edi. Qo'ng'iroq chalinishi hammaga, hatto: — Muallim, tanaffus bo'ldi, — deb darsni bir necha bor bo'ladigan Sultonga ham malol keldi.

— Dam olinglar, yanagi saboqda davom etamiz, — dedi muallima. U chiqib ketgach, sinfda favqulodda bir voqea ro'y berganday bo'ldi.

— Endi qalaysan? — dedi Gulzira Sultonning oldiga kelib, — pufaging yorildimi?

— Bor-rey! — Boshqa paytda gaplarni qalashtiradigan Sulton negadir faqat shunday dedi. Ovozi avvalgiday baland emasdi.

— Hatto kim stulni sindirib qo'ydi, — deb so'ramadi-ya, qoyilman!

Sherbekning ovozini hamma eshitdi, ammo hech kim hech narsa demadi, kimdir derazani ochdi, toza havo oqib kira boshladi.

Fazu SHERJONOVA,
Kegeyli qurilish kasb-hunar kolleji o'quvchisi

ARCHA

Ko'm-ko'k,
yashil archajon,
Yaproqlaring dur, marjon.
O'yinchoqlar juda ko'p,
Yulduzlar go'yo osmon.

Shodlikka to'lib barcha
Atrofingda aylanar,
Qorbobodan sovg'ani,
Olmoq uchun shaylanar.

Sovg'a bo'lsa bolalar
Qalbi quvonchga to'lar.

Sadoqat SAIDOVA,
Qarshi tumanidagi
18-maktab o'quvchisi

XAYOL VA HAYOT

Osmon yig'lasa agar,
Chaqmoq nega kuladi?
Balki chaqmoq osmonga
Yovuz dushman bo'ladi.

Shamol irg'ar daraxtni,
Barglar duv-duv
yosh to'kar.
Hech kim ko'rmasin deya
Atrofga tuman cho'kar.

Odamlarchi, odamlar,
Ular buncha berahm.
Osmon yig'lasa agar
Ko'z yoshlariga kular.

Hoy odamlar, odamlar,
Buncha
yovuz bo'lmanglar,
Hech
bo'lmasa do'stlardan
Qah-qah
urib kulmanglar.

O'tkir QILICHBOYEV,
Navoiy shahridagi
8-maktab o'quvchisi

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Ҳисор қўриқхонаси".
9.05 "Камалак".
9.45 "Тўртинчи ҳокимият".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Виждон". Телесериал. 14-қисм.
10.55 "Куйла, ёшлигим".
11.20 "Алиса кўзгу орти ўлкасида". Мультфильм.
12.05 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.05 "Санъатга бахшида умр". Ҳалима Носирова.
13.30 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Обод уйда пок одамлар яшайди".
14.40 Кундузги сеанс: **"Жигарбандим ёди". Бадиий фильм.**
16.15 "Нурли манзиллар".
16.35 "Биламиз-у, аммо".
16.55 Эстрада тароналари.
17.30 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
18.10 "Қалб гавҳари".
18.30 "Мулк".
18.45 "Бахтли воқеа".
19.15 "Бир жуфт қўшиқ".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили". **"Париси бор уй".**
21.25 "Қўшиғимиз сизга армуғон". И. Фармонов.
21.50 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.50 "Тарих кўзгуси". 4-қисм.
23.10 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.00 "Янги авлод" студияси: "Уй вазифаси".
10.20 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 20-қисм.
10.30 Саломатлик сирлари.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 "Давр". Ҳафта ичида.
11.35 Кинотақдим.
11.55 Жаҳон жуғрофияси.
12.45 "Давр"-news.
13.00 Болалар шеърияти.
13.10 "Жюли Леско". Сериал. 1-қисм.
14.00 Ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқлари.
14.10 "Лафз". Телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
14.45 Олов билан юзма-юз.
15.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
15.50 Спорт ҳафтаномаси.
16.05 Фақат эркаклар учун.
16.20 "Аянинг кўнгироқчаси". Бадиий фильм.
17.50 "Янги авлод" почтаси.
18.10 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 21-қисм.
18.25 Тафаккур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Муҳаббат қўшиқлари.
20.15 Илдиз ва япроқ.
20.40 "Хуршида". Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.55 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал: "23,5 даражали бурчак остида". 35-қисм.
17.45, 19.10, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 "Болажонлар экрани".
18.30, 20.00, 21.10, "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50."Халқ саломатлиги йўлида".
19.30 "Жозиба".
19.40 "Avto news".
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
22.05 Пойтахт шарҳи.
22.30 Кинонигоҳ. "Муҳаббат барини кечиради".

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал.
7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.15.-17.45.
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари.
Биринчи канал.
18.20 "Ҳазил кетидан ҳазил".
19.00 "Оилавий ришталар". Сериал.
19.55 "Сўнгги қаҳрамон-2".
21.00 "Время".
ЎзТВ – IV
21.40 "Бизнес-ревю".
21.45 "Балиқ овининг миллий хусусиятлари". Кинокомедия.
23.35 "Юлдузлар фабрикаси".
24.00 "Ахборот" (рус тилида)

Сешанба, 17

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Дўппи", "Гўзаллик оламида".
9.20 "Соз сехри".
9.40 "Соғлом она - соғлом бола".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мулк".
10.20 "Виждон". Телесериал. 15-қисм.
11.15 "Рангин дунё".
11.30 "Интилганга толе ёр".
12.05 "Париси бор уй".
12.25 ТВ анонс.
12.30 "Мусиқий учрашув".
13.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
14.10 Кундузги сеанс: **"Тақдиринг қўлингда". Бадиий фильм.**
Адабий жараён:
15.20 1. "Ёзувчи ва замон". 2. "Шеър ва шуур".
15.55 Мусиқий танаффус.
16.10 "Яхшилар ёди".
16.30 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Баркамол авлод орзуси".
18.30 "Инсон ва қонун".
18.50 "Олтин мерос".
19.10 "Тафсилот".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Солиқ ва биз".
21.20 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
21.50 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.50 "Тарих кўзгуси". 5-қисм.
23.15 "Ахборот - дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" почтаси.
9.35 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 21-қисм.
9.45 Бизнес-академия.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 "Хуршида". Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
11.05 Саломат бўлинг.
11.25 "2000 йилдан сўнг".
11.45 Юлдузлар чеҳраси.
12.10 "Жюли Леско". 2-қисм.
13.00 Ёшлар овози.
13.20 Интерфутбол.
15.00 Кўҳна оҳанглар.
15.10 Автосалтанат.
15.25 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
15.55 Илдиз ва япроқ.
16.15 "Индинги кун жадвали". Бадиий фильм.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 "Янги авлод" студияси: "Дунё ва болалар".
17.55 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 22-қисм.
18.05 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.20 Автопатруль.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ёшлик қўшиқлари.
20.00 Давр-интервью.
20.15 Дийдор.
20.40 "Хуршида". Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси".
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Нокаут.
23.35 Давр.
23.50 "Ҳақиқат чегараси".

«Тошкент» телеканали

17.20 "23,5 даражали бурчак остида". 36-қисм.
17.45, 19.00, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани".
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Ҳимоя".
19.20 "Спорт ва болалар".
19.35 "Мумтоз наволар".
20.30 "Азизим Изабелла".
21.30 "Туризм ҳақида".
22.45 Кинонигоҳ. "Филадельфия тажрибаси".

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал.
7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.15.-17.45.
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари.
Биринчи канал.
18.20 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
19.00 "Оилавий ришталар".
19.55 "Сўнгги қаҳрамон-2".
21.00 "Время".
21.40 "Бизнес-ревю".
21.45 "Балиқ овининг қиш мавсумидаги миллий хусусиятлари". Кинокомедия.
23.10 Катталар учун "Аралаш".
23.30 "Юлдузлар фабрикаси".
ЎзТВ – IV
24.00 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
00.10 "Ахборот" (рус тилида)

Чоршанба, 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 -8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Тошкент", "Ўзбекистон маркаси".
9.20 "Нафосат гулшани".
9.45 "Тафсилот".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Унутмас мени боғим".
10.25 "Ғаройиб тўти Поли". Бадиий фильм.
12.05 Болалар учун. "Фламинго".
12.25 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.25 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Остонаси тиллодан".
14.30 Мусиқий танаффус.
14.40 Кундузги сеанс: **"Рим таътиллари".**
16.25 "Ягона оилада".
"Болалар сайёраси":
16.55 1. "Цирк, цирк, цирк". 2. "Орзулар қанотида".
18.10 "Ажаб саодат эрур". Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.30 "Умид". Телелотерея.
19.00 Мумтоз наволар.
19.10 "Мулк".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Санъатга бахшида умр". Саодат Қобулова.
21.30 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
22.00 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.00 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Дунё ва болалар".
9.35 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 22 -қисм.
9.45 Давр-интервью.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 "Хуршида". Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
11.00 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.15 "2000 йилдан сўнг". Сериал.
11.35 Ёшлар овози.
11.55 "Жюли Леско". Сериал. 3-қисм.
12.45 Дийдор.
13.05 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: 1. Нокаут 2. Теннис.
14.10 Кўҳна оҳанглар.
14.25 "Чекиш соғлиққа зарар". Телефильм.
14.35 Автопатруль.
14.55 "Дарё бўйидаги учрашув". Бадиий фильм.
16.40 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар".
17.00 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 23-қисм.
17.10 Болажон.
17.30 Ёш тадбиркор.
17.50 Чемпион сирлари.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Севги тароналари.
20.00 Спортлото.
20.10 Очил дастурхон.
20.30 "Хуршида". Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
21.20 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.25 Ракурс.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 "23,5 даражали бурчак остида". 37-қисм.
17.45, 19.10, 21.50 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 "Болажонлар экрани".
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Мусиқий меҳмонхона".
19.30 "Аёл-она, мураббий, раҳбар" телеклуби.
19.50 "Мусиқий танаффус".
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Ҳамшаҳарлар".
22.35 Кинонигоҳ. "Ҳамиша барҳаёт".

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал.
7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.15.-17.45.
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари.
Биринчи канал.
18.20 Юрий Никулин "Шу яқин орада" кинокомедиясида.
19.00 "Оилавий ришталар". Сериал.
20.00 "Рус рулеткаси". Телеўйин.
21.00 "Время".
21.40 "Бизнес-ревю".
21.45 "Янги йил" операцияси. Кинокомедия.
23.35 "Юлдузлар фабрикаси".
ЎзТВ-IV
24.00 "Ахборот" (рус тилида)

Пайшанба, 19

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Монте-Карлодаги цирк фестивали.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мулк".
10.20 "Бенжи". Бадиий фильм.
11.45 "Мусиқий танаффус".
12.05 "Ажаб саодат эрур".
12.25 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.25 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Озод юрт одамлари".
14.30 Ўзбекистон бастакорлари.
14.55 "Живз ва Вустер". Телесериал.
15.45 "Фанимиз истиқболлари".
16.05 "Руҳият манзаралари".
"Болалар сайёраси":
16.25 1. "Болаликнинг мовий осмони". 2. "Ён қўшнилар - жон қўшнилар". Видеофильм. 1-қисм.
17.25 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
17.50 "Ривож".
18.10 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
18.30 "Яхши ният". Телелотерея.
19.00 Бир жуфт қўшиқ.
19.10 "Инсон ва қонун".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
21.30 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.30 "Тарих кўзгуси". 6-қисм.
22.55 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар".
9.35 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 23-қисм.
9.45 Болажон.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 "Хуршида". Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
11.00 Спорт-қитъаси
11.25 Чемпион сирлари
11.45 "2000 йилдан сўнг". Сериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 "Жюли Леско". Сериал. 4-қисм.
13.15 Ракурс.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Кўҳна оҳанглар.
15.25 Болалар экрани: "Мультомоша".
15.55 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
16.30 Ўйна, болажон, ўйна...
16.45 "Янги авлод" студияси: "Имкон" телеўйини.
17.20 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 24-қисм.
17.35 Истеъдод.
17.45 Огоҳ.
18.00 Бугуннинг ёшлари.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр.
19.40 Ёшлик қўшиқлари.
20.00 "Давр"-интервью.
20.15 Мезон.
20.40 "Хуршида". Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси".
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 "23,5 даражали бурчак остида". 38-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 "Болажонлар экрани".
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Навниҳол".
19.25 "Камолот фасли".
19.45 "Эҳтиром ила".
20.30 "Азизим Изабелла".
21.30 "Умр йўлдоши".
22.45 Кинонигоҳ. "Жаноб Магу".

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал.
7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.15.-17.45.
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари.
Биринчи канал.
18.20 Олег Табаков "Сати" ҳузурида.
19.00 "Оилавий ришталар".
20.00 "Заиф бўғин". Телеўйин.
21.00 "Время".
22.10 "Бизнес-ревю".
22.15 "Виртуал олам".
22.25 "Ишбилармон кишилар".
22.45 "Экспромт".
23.05 "Соккер клуб".
23.25 "Экран зийнати ва қиймати".
23.50 Жаҳоннинг янги мўъжизалари: "Дельта лойиҳаси".
00.15 "Юлдузлар фабрикаси".
ЎзТВ – IV
24.00 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
00.10 "Ахборот" (рус тилида)

Жума, 20

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Болаликнинг мовий осмони". 2. "Ён қўшнилар - жон қўшнилар". Видеофильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Орзулар камалаги". Бадиий фильм.
11.15 "Инсон ва қонун".
11.30 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
12.05 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
13.05 "Санъатга бахшида умр".
13.30 "Олам". Телеальманах.
14.10 Кундузги сеанс: **"Сехрли сурат". Бадиий фильм.**
15.35 "Ҳуқуқ сабоқлари".
16.00 "Интизор". Видеофильм.
"Болалар сайёраси":
16.50 1. "Ўйла, изла, топ". Телемусобақа. 2. "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
18.10 "Сиҳат-саломатлик".
18.30 "Дутор, танбур тароналари".
18.50 "Тафсилот".
19.05 "Ҳидоят сари".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Бир жуфт қўшиқ".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Сиёсат оламида".
21.25 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
21.55 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.55 "Ахборот - дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Имкон" телеўйини.
9.50 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 24-қисм.
10.00 "Давр"-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 ТВ-анонс.
10.35 "Хуршида". Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
11.20 Мезон.
11.40 "2000 йилдан сўнг". Сериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 "Жюли Леско". Сериал. 5-қисм.
13.10 Бугуннинг ёшлари.
13.30 Интерфутбол.
15.10 Кўҳна оҳанглар.
15.20 Болалар экрани: "Мультомоша".
15.50 Ёш тадбиркор.
16.10 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 "Янги авлод" студияси: "У ким? Бу нима?", "Олтин калит".
17.40 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 25-қисм.
17.50 Бахтли болалик қўшиқлари.
18.00 Автосалтанат.
18.15 Ҳуқуқ ва бурч.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 "Давр" нигоҳи.
20.00 "Ёр ишқи". Мусиқий дастур.
20.15 Ёшлар овози.
20.40 "Ишбилармон кишилар". Бадиий фильм.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси".
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.10 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.20 "23,5 даражали бурчак остида". 39-қисм.
17.45, 19.15, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 "Ҳайрли оқшом".
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Ёшлар худуди".
19.35 "ТТВда мусиқа".
19.45 "Моҳир".
20.30 ТТВда сериал: "Азизим Изабелла".
21.30 "Эл хизматида".
22.30 Кинонигоҳ "Авлиё".

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал.
7.30-9.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.15.-17.45.
17.50 "Вести".
18.05 "Евроньюс" янгиликлари.
Биринчи канал.
18.20 Ҳужжатли детектив.
19.00 "Оилавий ришталар". Сериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
21.00 "Время".
21.35 "Юлдузлар фабрикаси".
ЎзТВ – IV
22.50 "Бизнес-ревю".
22.55 "Дурдаршан".
23.25 Кинонинг олтин асри "Қирол рақси". Бадиий фильм.
1.05 "Ахборот" (рус тилида)

Шанба, 21

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбекистон - Ватаним маним".
9.25 "Ҳидоят сари".
9.45 "Соҳибжамол ва маҳлуқ". Мультфильм. 1-қисм.
11.10 "Тафсилот".
11.25 "Маърифат".
11.55 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.50 ТВ-1 кинотеатри: **"У замонлар ўтиб кетди".**
14.05 "Қўл ботир ёки хонадонингиздаги мўъжизалар".
"Адабий жараён":
14.30 1. "Ёзувчи ва замон". 2. "Шеър ва шуур".
15.00 "Ягона оилада".
15.30 "Бахтимизга омон бўлинг!"
15.50 "Рангин дунё".
16.05 "Бир кулишайлик".
"Болалар сайёраси":
16.20 1. "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу. 2. "Ака-ука Гримм эртаклари".
17.50 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
18.50 "Бўйи умр дерлар".
19.05 "Ўзбеккино" тақдим этади: "Отбеги". Ҳужжатли фильм премьераси.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Қизлар давраси".
22.35 Телевизион миниатюралар театри.
23.05 "Ахборот - дайжест".
"Тунги ёғду".
23.25 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Кўрқув".** Бадиий фильм. 1-қисм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 "Янги авлод" студияси: "У ким? Бу нима?", "Олтин калит".
9.35 "Кўк рангли сичқонча ва мушук". Мультсериал. 25-қисм.
9.45 Болалар клуби.
10.15 Табобат оламида.
10.35 "Давр" нигоҳи.
10.55 Мусиқий лаҳзалар.
11.05 Бола тилидан.
11.35 "Бунёдкор" ёшлар телеклуби.
12.00 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари".
13.00 Ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқлари.
13.10 Кутилмаган меҳмон.
13.30 "Ишбилармон кишилар". Бадиий фильм.
14.20 "Ким эпчил-у, ким чаққон?"
14.40 Нуриддин Асқаров куйлайди.
15.00 Ёшлар овози.
15.20 "Экспедиция".
16.10 Кўҳна оҳанглар.
16.20 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
17.00 Очун.
17.30 "Янги авлод" студияси: "Бўш ўтирма".
17.50 "Мультомоша".
18.10 Футбол плюс.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Муҳаббат қўшиқлари.
20.00 "Давр"-репортаж.
20.15 "Ғалаба онлари". Бадиий фильм. 1-қисм.
21.10 Оҳанрабо.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 "Фаришталар шаҳри". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Мультчархпалак".
17.40 "Жаҳон географияси".
18.10, 19.40, 21.20 "Экспресс" телегазетаси.
18.30 "Афиша".
18.50 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Пойтахт". (рус)
19.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.00 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
20.45 "Мисли гавҳар".
21.00 "Пойтахт".
21.40 Кинонигоҳ. "Изсиз кетган".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.20 "Икки рояль".
БИРИНЧИ КАНАЛ.
10.10 "Лаззат".
10.30 "Табиатшунос билан саёҳат".
11.00 "Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси".
ЎзТВ – IV
11.40 CFI Янгиликлари.
11.50 "Мультсеанс".
12.10 "Хинд оҳанглари".
12.30 "Сирасини айтганда".
13.00-14.00 Дўстлик видеоканали: "Сахий хонадонда", "Узбекистон-умумий уйимиз", "Умид".
17.10 "Йил қўшиқлари". Қиш.
18.00 "Янгиликлар".
18.15 "Йил қўшиқлари". Қиш.
18.50 "Ким миллионер бўлишни истайди?" Телеўйин.
19.55 "Сўнгги қаҳрамон-2".
21.00 "Время".
21.30 "Нима? Қаерда? Қачон?"
ТУНГИ КАНАЛ: "ҲАЛИ КЕЧ ЭМАС..."
22.50 "Шлягер".
23.05 "Моданинг гўзал дунёси".
23.20 "Хит парад".
23.40 "Яшаш воситаси".
23.55 "Юлдуз билан учрашув".
00.10 "Автострада".
00.20 "Муз zone".
00.35 "Икки ёқлама зарба".
00.45 "Ахборот" (рус тилида)
1.20 Киносеанс: "Учинчи Бетховен". Бадиий фильм.

Якшанба, 22

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Ахборот".
8.40 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.20 "Ғаройибот".
9.30 "Қутлуғ қадам". Телевизион бадиий фильм.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.25 Телевизион миниатюралар театри.
11.55 "Соҳибжамол ва маҳлуқ". Мультфильм. 2-қисм.
13.05 "Кўҳна замин оҳанглари".
13.30 "Маҳалламиз болалари". Телемусобақа.
14.10 "Қалб гавҳари".
14.30 ТВ-1 кинотеатри: **"Қайнона". Бадиий фильм.**
15.50 "Портретга чизгилар".
16.10 "Уй бекаси".
"Болалар сайёраси":
16.30 1. "Ён қўшнилар - жон қўшнилар". Видеофильм. 2-қисм. 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин. 3. "Ака-ука Гримм эртаклари".
18.10 "Талабалик йилларим".
18.30 "Тўртинчи ҳокимият".
18.45 "Оқ олтин". Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Якшанбада Сиз билан бирга".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи". Якшанба кинозали:
22.15 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Кўрқув". Бадиий фильм. 2-қисм.**

«Ёшлар» телеканали

8.00 "Давр тонги".
9.00 "Янги авлод" студияси: "Бўш ўтирма".
9.20 Мультфильм.
9.50 Давр-репортаж.
10.00 Оҳанрабо.
10.35 Футбол плюс.
10.55 Очил дастурхон.
11.10 Мусиқий лаҳзалар.
11.20 Зинама-зина.
11.50 Аскар мактублари.
12.10 Болалар экрани: "Ренард исмли тулки". Мультфильм.
13.25 "Ниҳол" мукофоти совриндорлари куйлайди.
13.40 Чемпион сирлари.
14.00 "Ғалаба онлари". Бадиий фильм. 1-қисм.
14.50 Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари куйлайди.
15.05 "Экспедиция".
15.55 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.15 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
17.10 "Янги авлод" студияси: "Катта танаффус".
17.35 Болалар клуби.
18.00 ТВ-анонс.
18.05 Спорт ҳафтаномаси.
18.20 Оила тилсими.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр"-news.
19.20 Ёшлик қўшиқлари.
19.40 Синфдош.
20.15 "Ғалаба онлари". Бадиий фильм. 2-қисм.
21.10 "Заковат" интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ҳафта ичида.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Уолтер ва Генри". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Эртакларнинг сехрли олами".
19.00, 20.40, 21.55 "Экспресс" телегазетаси.
19.20 "Жаҳон географияси".
19.50 "Телефакт".
20.00 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
21.00 "Пойтахт шарҳи".
21.25 "ТВ плюс..."
22.15 Кинонигоҳ. "Нозик қўллар".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.20 "Жахон бўйлаб".
БИРИНЧИ КАНАЛ.
10.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
10.30 "Ҳамма уйдалигида".
11.05 "Мазахўраклар".
11.55 "Кайфият".
13.25 "Парле ву франсе?"
13.50 "FCN". Ўзбекистон янгиликлари (Инглиз тилида)
14.00 "Фан тайм".
14.10 "Инглиз тили Сиз учун".
14.35 "Хусусийлаштириш қадам-бақадам".
14.55-16.15 "Дўстлик" видеоканали: "Дидар", "Ўзбекистон умумий уйимиз", "Корейс тилини ўрганамиз", "Маврид".
18.05 "Бинафша".
18.30 "Ҳикоя..."
18.50 "Жонли табиат".
19.05 "Кўнгил кўнгилга пайванд". Дайджест.
19.35 "Олтин граммафон". Халқ мукофотининг йиллик топшириш маросими.
23.10 "Кармадон". Декабрь.
23.35 "Кинопрофи".
23.55 "Тенгдошлар".
00.25 "Таҳлилнома".

ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Республика Мудофаа вазирлигининг марказий спорт залида 1986—87 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида юнон—рум кураши бўйича уч кун давом этган беллашувлар якунланди.

Ўн хил вазн тоифасида 129 нафар спортчи Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгаши биринчилиги баҳсларида ғолиблик учун қизғин кураш олиб боришди.

Муросасиз беллашувларда вазн тоифаларига кўра фарғоналик Дилмурод Абзалов (42 кг), бухоролик Бунёд Турдиев (46 кг), Жаҳонгир Мўминов (54 кг), Комил Камолов (63 кг), Тошкент вилоятидан Рашид Туримов (76 кг), Сирдарё вилоятидан Тимур Супиев (50 кг), Тошкент шаҳридан Сарвар Ғаниев (58 кг), Беҳзод Исматов (69 кг), Суҳбат Хўжаев (85 кг), Абдумалик Алиев (100 кг) шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорлар тегишли диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими Ўктам Турдиалиев республикамизда спортни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган инсон эди.

Беллашувларда Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари спортчилари юқори кўрсаткич-

ХОТИРА ТУРНИРИ

Ангрен шаҳридаги бокс саройида Ўктам Турдиалиев хотирасига бағишланган VIII халқаро бокс турнири очилиши маросимида унинг оила аъзолари, ҳамкасблари, шогирдлари иштирок этишди.

Ўсмирлар ўртасида 12 хил вазн тоифасида ўтказилган хотира турнирида республикамизнинг турли вилоятлари ва қўшни давлатлардан келган спортчилар чемпионлик учун кураш олиб боришди.

Беллашувларда Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари спортчилари юқори кўрсаткичларга эришишди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларга Халқ таълими вазирлиги "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгашининг дипломлари ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ғ.МАННОПОВ

Tadbir

Самарқанд шаҳрида махсус мактаб-интернатлари ўртасидаги 3-анъанавий спорт мусобақалари ўтказилди. Унда спортнинг минифутбол тури бўйича қизғин беллашувлар олиб борилди. Ажабланарлиси шундаки, мазкур мусобақада

ҚИЗЛАР ҲАМ БЕЛЛАШДИЛАР

қизлар ҳам иштирок этдилар ва йигитлардан ҳечам қолишмагани ҳолда уюшқоқлик билан умумий ҳисобда ўсмирлар ҳамда қизлар ўртасида 61- махсус мактаб-интернати биринчиликни қўлга киритди. 2-ўринни 126, 3-ўринни эса 59-махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари эгалладилар. Ғолиб жамоаларга вилоят халқ таълими бошқармаси ва Самарқанд шаҳар спорт қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАРНИ КЎЗЛАБ ...

Республикамизда ёшларга бўлган эътибор ва ишонч етарли даражада. Ҳукуматимизнинг ёшларга қилаётган ғамхўрликлари изсиз кетганича йўқ. Яратилган улкан имкониятлар натижаси ўлароқ, юзлаб ёшларимиз нафақат ўзимизда, балки чет давлатларда ҳам маҳоратларини намоён қилиб, мустақил юртимиз номини жаҳон бўйлаб таратмоқдалар. Шундай фидойи ёшларимиздан бири Миржавлон Мирсоатов 84-ўрта мактабнинг 9-"Г" синфида таҳсил олмоқда. Миржавлон ёшлигидан ўртоқлари орасида ўзининг билими, зукколиги, ташкилотчилик қобилияти билан ажралиб турарди. Унинг футболга қизиқиши ўзгача. Шу сабаб у Туркия ва Қозоғистонда бўлиб ўтган чемпионатларда иштирок этди. 2002 йил 8 ноябрдан 19 ноябргача Таиланд пойтахти Бангкокда бўлиб ўтган футбол чемпионати таркибида Миржавлон ҳам бўлган. Республикамиз футболчилари фахрли 2-ўринни эгаллаб, кумуш медални қўлга киритдилар. Шундан сўнг у энг ёш аъзо сифатида Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерациясига қабул қилинди. Унга соврин 27 ноябрь куни Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими бошлиғи Жамолиддин Эшбоев томонидан тантанали тарзда топширилди. Қалби қувончга тўлган Миржавлон: "Президентимиз ташаббуси билан "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" ташкил этилганлиги биз ёшлар учун янада улкан имкониятлар манбаи бўлди. Албатта, бизга билдирилган ишончга муносиб жавоб қайтарамиз" деди биз билан суҳбатда. Зеро, яратилган қулай имкониятлар сабаб келгусида фидойи, жонкуяр ёшларимиз кўпайиши, шубҳасиз.

АЗИЗ НОРҚУЛОВ,
ЎзМУ талабаси

Куни кеча Самарқанд шаҳридаги 59-махсус мактаб-интернатида Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб шахмат-шашка бўйича очиқ турдаги мусобақалар ўтказилди. Унда барча соҳа вакиллари иштирок этдилар. Қизғин давом этган мазкур беллашувларда шахмат бўйича А. Абдуллаев (59-махсус мактаб-интернати ўқитувчиси) биринчиликни қўлга киритди. 2- ўринни З. Курчатова (СамДУ ҳуқуқшунослик факультети 3-курс талабаси) эгаллади ва

АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ МУСОБАҚАСИ

3- ўрин М. Ахадовга (ХТБ ходими) насиб этди. Шашка тури бўйича ўтказилган беллашувларда мазкур илм даргоҳининг тарбиячиси Ш. Ибрагимов биринчи ўринни, "Элбек" фирмаси ишчиси С. Каримова 2-ўринни, Жонбой тумани Кўзи ожизлар жамияти ходими Б. Бойназаров 3-ўринларни эгалладилар. Совриндорларга вилоят ХТБ, шаҳар спорт қўмитаси ҳамда вилоят кўзи ожизлар жамиятининг махсус совғалари, фахрий ёрлиқлари тақдим этилди.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ БОКСЧИЛАРИ

Профессионал бокс бўйича германиялик мутахассис Аксель Шульц, украиналик 26 ёшли боксчи Владимир Кличконинг келажагини ёрқин баҳолади. У "Бильд" газетасида эълон қилган энг кучли 8 нафар оғир вазнли профессионал боксчилардан иборат рўйхатига Кличко номини ҳам киритди. "Мен ишонаманки, Владимир англиялик Леннокс Льюисдан чемпионлик унвонини албатта тортиб олади, лекин, бунинг учун унга икки йиллар вақт керак бўлади", дея айтди Шульц. Мутахассис рўйхатининг энг юқори қисмидан Леннокс Льюис, сўнгра Владимир Кличко ўрин олган. Эвандер Холлифилд — учинчи, Крис Берд — тўртинчи, Майк Тайсон — бешинчи, Виталий Кличко — олтинчи, Дэвид Туа — еттинчи ҳамда Жон Руис — саккизинчи ўринга лойиқ қўйилган.

Ўтган ҳафта Владимир Кличко Лас-Вегас шаҳрида америкалик Жамил Макклайнни нокаутга учратган бўлса, унинг акаси Виталий Кличко Дортмунд шаҳрида бошқа бир америкалик Лэрри Дональдни мағлубиятга учратиб, учрашувни томоша қилиш учун келган 12 минг мухлисни хурсанд қилди. Келгуси йилнинг 22 февраль куни ўз ҳамюрти Клиффорд Эттьен билан учрашув ўтказишга тайёргарлик кўраётган Майк Тайсон куни кеча Владимир Кличкони жанг ўтказишга чақирди. Ҳозирда IBF ва WBC йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони сифатида турган Льюис эса катта рингдан кетишдан аввал Тайсон ҳамда ака-ука Кличколар билан учрашув ўтказиш ниятида.



РОНАЛЬДО — ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИСИ

Футбол бўйича донгдор нашрлар сирасига кирувчи Британиянинг "World Soccer" ("Жаҳон футболи") журнали ҳар йили ўз мухлислари ўртасида йилнинг энг яхши ўйинчиси, мураббийи, жамоаси йўналишлари бўйича сўровномалар ўтказиб боради. Бу йилги сўровномалар натижасига кўра, мухлислар "Реал" клуби ҳужумчиси Рональдога 26,17%, "Бавария" ярим ҳимоячиси Михаил Баллакка 17,69%, Рональдонинг жамоадоши Роберто Карлосга 8,48% овоз берганлар. Йилнинг энг яхши мураббийи номига Жанубий Корея терма жамоасининг собиқ мураббийи голландиялик Гус Хиддинк кореяликларни бу йилги жаҳон чемпионатининг ярим финалига олиб чиққани учун, энг яхши жамоа номига эса 5 карра жаҳон чемпиони Бразилия терма жамоаси лойиқ топилди.

Куни кеча эса Рональдо Франция спорт академиясининг мукофоти билан тақдирланди. Боиси, унинг меҳнатлари французлар эътиборини ҳам қозонган эди. 1905 йил ташкил этилган мазкур спорт академиянинг мукофоти 5 карра жаҳон чемпиони, "Формула—1" автопойгачиси Михаил Шумахерга ва спортни оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган Канада бош вазири Жак Кретьенларга ҳам берилган эди.

"ЕВРО—2008" АВСТРИЯ ВА ШВЕЙЦАРИЯДА ЎТКАЗИЛАДИ

УЕФА президенти Леннарт Юханссон "Евро—2008" ўйинлари Австрия ва Швейцарияда ўтказилишини маълум қилди. Куни кеча УЕФА штаб-квартирасида шу ҳақда овоз бериш жараёни бўлиб ўтди. Энди мазкур икки давлат саралаш баҳсларисиз "Евро—2008"да иштирок этса, мезбонлик учун талабгор бўлган Россия, Ирландия, Шотландия, Греция, Туркия, Венгрия, Скандинавия давлатлари илк босқичларданоқ чемпионлик учун кураш олиб борадилар.

Austria Switzerland
UEFA·EURO2008
Football's best – close to you

"ТАЙВАНЧИК" МАСАЛАСИ ЯНВАРГА ҚОЛДИ

Венеция апелляцион суди Олимжон Тўхтахуновни экстрадиция қилиш масаласини 7 январгача қолдиришга қарор қилди. Ўтган июль ойида АҚШ Федерал Тергов Бюроси сўрови билан Италияда ҳибсга олинган "Тайванчик" лақабли бу киши Солт-Лейк-Ситида бўлиб ўтган қишки олимпиада ўйинларида рус ва француз спортчиларининг олтин медаль олишларига ноқонуний ёрдам беришда айбланмоқда. Ўзига қўйилган айбловларни тан олмаган Тўхтахунов ихтиёрий равишда АҚШ судига боришни рад этган.

Муаллим комиллик тимсоли ўзи,
Унга керак эмас дабдаба, бойлик.
Зиё нурларидан яраклар юзи,
Ҳаёти эзгулик билан гиройлик.

Ko'ngil bitiklari

ЮРАКДАГИ ОЛОВ...

Ривоят қилишларича, қаҳрамон аждодларимиздан бири Алп Тегин ва унинг сарбозлари арабларга қарши жангга ўзлари ва отларига олов қўйиб чиққан экан.

Кундан оташ олганмикан,
Ё юракдан шарорлар.
Ёв томонга келаётир
Шарқдан олов суворлар!

Қаранг, учиб келаётир,
Ёндириб ер, самони.
Шамол бўлиб елаётир,
Тилдан қўймай "ур-ҳо!"ни.

Юракдаги қасос — олов,
Боши узра туғ — олов!
Остидаги тулпор — олов,
Қўлидаги тиғ — олов!

Етиб келгач мардлар, охир,
Душман қароргоҳига.
Айланди у қиёматнинг
Қойим бўлган чоғига!

Қай чодирга тегди олов,
Қайда ётар куйган лош!
Ҳув, нарига думалади
Олов қилич кесган бош!

Ўзни ёқди, ёқмади, лек
Шаънини, Ватанини.
Гоҳ иккига бўлиб отар
Ғанимларнинг танини.

Отлар кишнаб қайга қочар,
Оҳ, арабий тулпорлар.
Қочганни ҳам қувиб етиб,
Ёқди олов суворлар.

... Юборгандан кейин ёвни
Улар ажал қаърига,
Бир ҳовуч кул бўлиб тушди
Она Замин бағрига!

Тушди бирам сокин, хушҳол,
Тушди гўзал, оҳиста!
Шундайларнинг хоки билан
Юрт тупроғи шойиста!..

Шундай, мардлар бошин эгса,
Поймол бўлса яловлар,
Бу юрт учун жангга кирар
Ўчоғдаги оловлар!

Зуҳра МАМАДАЛИЕВА,
Жиззах ВХТББ ходими

МУАЛЛИМ

Муаллим дунёда энг улуғ инсон,
Жаннатлар оёғи остида унинг.
Таъзим-ла бош эгса арзийди жаҳон,
Меҳнат, заҳмат билан ўтар ҳар куни.

Муаллим хизмати ҳалол, беминнат,
Шогирдлар камолин кўрса бас унга.
Оллоҳ тўрт мучасин айласа сиҳат,
"Ўзингга шукур", деб қувонар шунга.

Муаллим комиллик тимсоли ўзи,
Унга керак эмас дабдаба, бойлик.
Зиё нурларидан яраклар юзи,
Ҳаёти эзгулик билан чиройлик.

Муаллим тебратар дунё бешигин,
Опичлаб оламнинг бор илмларин.
Муаллим очади ҳаёт эшигин,
Бор бўлсин башарнинг муаллимлари!

Зуҳрахон ЖЎРАБОЕВА,
Ўзбекистон туманидаги
26-мактаб ўқитувчиси

***

Ортимда қолмоқда поёнсиз йўллар,
Баъзан тор бўлса ҳам, гоҳо жуда кенг.
Мен сени танимай ўтган кўп йиллар,
Қошингда бир лаҳза бош эгганга тенг.
Йўлимиз туташди, учрашдик, гулим,
Висол дамларидан сармастдир бошим,
Қувончдан энтикар кўксимда дилим,
Умримни ёритгин бўлиб қуёшим.

***

Ростини сўзлаб ўт энг сўнгги дам ҳам,
Қўлингдан келса гар, дўстим, ҳамиша.
Вақти келганида энг ботир одам,
Кўрқоқ номин олган қилиб андиша.

***

Сен ҳаётдан нолиб яшама,
Ёки чарчаб, ҳориб яшама.
Асосийси элдан, замондан,
Сира ортда қолиб яшама.

Қўчқор ЖЎРАЕВ,
Пахтачи туманидаги 29-мактаб
директори

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ



Муҳтарама
Роҳатой АННАЗАРОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизнинг ёш авлод тарбияси йўлидаги ишларингизга омадлар тилаймиз ва фарзандларингиз, шогирдларингиз бахтига соғ-саломат бўлишингизни тилаб қоламиз.

Сирғали тиббиёт билим юрти
жамоаси ва дўстларингиз

Ҳурматли Ҳикматилла
АБДУЖАББОРОВ!

Сиз бир неча йиллардан буён Халқ таълими вазирлиги марказлашган ҳисобхонасида назоратчи-услубчилар гуруҳи раҳбари сифатида таълим тизимидаги муассаса ҳамда ташкилотларда ҳисоб ва ҳисоботни юритиш ҳамда маблағларни мақсадли ишлатиш борасида меҳнат қилиб келмоқдасиз. Ушбу иш фаолиятингиз давомида ҳамиша жамоа орасида ҳурмат ва эҳтиромга, дўстларингиз қалбида эса катта эътиборга сазоворсиз.

Бугун сизни табаррук умрингиз зарвақларида зарҳал ҳарфлар билан битилувчи 50 ёшингиз билан самимий қутлаймиз.

Сизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик, тотувлик, қалбингизга эса нурафшонлик истаб қоламиз. Эзгулик йўлидаги фаолиятингизга ривож тилаймиз.

Дўстларингиз ва яқинларингиз.

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ТАҚВИМИ

Bilasizmi?

Инсоният тарихида жами 200 дан ортиқ тақвимлар ишлатилган. Кўп минг йиллик тарихда турли хилдаги тақвимлар яратилиб, улар асосан уч турга бўлинади: қуёш, шамсия, ой, қамарий ва ой-қуёш тақвимлари. Аксарият ватандошларимиз, дунё аҳли ой тақвимига қадимги Вавилионда, шамсия тақвимига эса қадимги Мисрда асос солинганини баралла айта олишади. Бу тақвимлар кейинчалик бошқа халқларнинг тақвимига асос қилиб олинганлиги ҳақидаги хулосалар хам чиқарилган. Миср тақвимини ислоҳ этган папа Григорийнинг номлари тарихда қолди. Аммо қадимги илм-фаннинг бешиги бўлган Хоразмнинг қадимги тақвими ҳақида ҳамма ҳам билмаса керак. Чунки бу тақвим ҳақида маълумотлар Абу Райҳон Беруниийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асаридан бошқа манбаларда сақланиб қолмаган. Юртимиз худудига бостириб кирган босқинчилар яқин-яқин вақтларгача, фақат аждодларимизнинг жаҳон фани цивилизациясига қўшган хиссаларини, яратган моддий ва маънавий меросларини йўққа чиқаришга ҳаракат қилиб келганлар.

Хоразм фарзанди, буюк олим Абу Райҳон Беруний ўз китобида Хоразмнинг маълум бўлган қадимий тақвим тизими Искандар Зулқарнайндан 980 йил илгари яратилганлигини қайд этган.

Суғд ва Хоразм давлатларининг бошланишида хафта ишлатилмаган. Улар ой номларини 12 буржга тақсим қилиб, буржларни ўз тилларида алоҳида-алоҳида номлаганлар. 12 ой 30 кундан иборат бўлган. Хоразмликлар ой номларини қисқартириб, ортиқча беш кунни йилнинг охирига қўшганлар. Ой номлари қуйидагилар: Новсоржий, Ардвст, Хрвдод, Жирн, Хмдод, Ахшриврий, Авмрий, Ёнохи, Арв, Римжд, Аршми, Исфандорожий.

Бир ой 30 куннинг ҳар бири ҳам худди шундай номлар билан аталган. Беруний: "Хоразмликлар бу беш кунга алоҳида ном бермайдилар..." деб ёзади. Йил боши Новсоржийдан бошланган. Абу Райҳон Беруний хоразмликларнинг ҳайит байрамлари, ойларнинг номланиши тарихига ҳам батафсил тўхталиб ўтади. Тарихий тараққиётга қандай баҳо берилмасин, ёр юзида яшаётган ҳар бир халқ бири иккинчисидан кам бўлмай, яшаш шароитлари, табиати, урф-одатлари, диний тасаввурларидан келиб чиқиб ҳаёт кечиришган. Худди шунингдек, қадимги хоразмликлар тақвими ҳам аждодларимиз ақл-заковатининг маҳсулоти, узоқ ўтмишда қўлланилган йил ҳисоби сифатида ўрганишга арзийди.

Абдивали ДЎСТОВ,
Қарши Давлат Университети "Жаҳон тарихи" кафедрасининг катта ўқитувчиси

МАТЕМАТИКАДАН ЗИНАСИМОН КРОССВОРДЛАР

I

1. Грек алифбосининг биринчи ҳарфи
2. Функционал анализда қўлланиладиган теоремалардан бирининг ижодкори
3. Математик фан
4. Айлана нуқтаси чизган эгри чизиқ
5. Грекчада устма-уст тушмовчи деган маънони англатадиган тўғри чизиқ



II

1. Доиранинг чегараси
2. Мунтазам пирамида ён ёғининг баландлиги
3. Нуқтанинг координаталаридан бири
4. Фазодаги нуқтанинг декарт координаталаридан бири
5. Сонлар ҳақидаги фан



III

1. Функция градиенти 0 га тенг бўлган нуқта
2. Эгри чизиқнинг энг содда тенгламаси
3. Ретикуснинг дўсти, поляк олими
4. Ёпиқ синиқ чизиқ
5. ... айлана



IV

1. Грекча теорема сўзининг таржимаси
2. Математик жумла
3. Номаълум сон қатнашган тенглик
4. Ясси эгри чизиқ
5. Фазода ҳам, ... ҳам



Тузувчи: Т. БАРАКАЕВ,
Жиззах вилояти Янгиобод тумани

Республика Таълим маркази жамоаси марказнинг етакчи методисти Ҳабиба Юнусалиевага отаси **Анорбой ЮНУСАЛИЕВнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти раҳбарияти ва Бирлашган касаба уюшмаси жамоаси "Хорижий мамлакатлар адабиёти" кафедраси доценти **Муҳсин ОЛИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-1127.
Тиражи 23099 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Назокат ХОЛМЕТОВА.
Навбатчи: Фаррух БЎТАЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00